Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 27 апрель • Сешанба № 48 (14076) تركستان TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Амир Темур номли мактаб

Андижон шаҳридаги Амир Темур номли 7-ўрта мактабда саксондан зиёд ўқитувчи ишлайди. Диққатга сазовор жойи шундаки, уларнинг салкам тўқсон фоизини ёшлар ташкил этади. Ёшлар кўп жойда эса, ҳамиша янгиликка интилиш бўлади. Мактабда 21 та махсус фан кабинетлари борлиги ва улар алоҳида жиҳозланганлиги, 8 та бошланғич синф ўқувчилари учун ҳам ўзига хос синф хоналари мавжудлигини айтсак, фикримизга ишонарсиз. Фақат бугина эмас. Мактабда бир қанча тўгараклар ҳам фаолият кўрсатади-ки, айниқса, ўқувчи қизлар тикаётган дўппилар ҳақида гапирмасак бўлмас. Одина Қурбонова, Дилором Абдусатторова, Ойдин Ризаева сингари ўқувчи қизлар чеварликда катталардан қолишмайдилар. Улар тиккан дўппилар бозорга олиб чиқилса, қўлма-қўл бўлиб кетиши аниқ.

«Бу мактабда бирорта ҳам муаммо йўқмикан?», дединггизми? Бор ҳамма жойда бўлгани каби, бу ердагилар ҳам дарсликлар етишмаслигидан қийналишади. Лекин шундай экан, деб ўқитувчилар жамоаси ҳам қараб ўтиргани йўқ. Болаларга яхши билим ва тарбия беришнинг турли йўлларини ўйлашяпти.

Мактаб жамоаси ҳар доим ўз билим даргоҳларига таниқли ижодкорларни таклиф қилиб туради. Улар билан ўқувчилар орасида бўладиган самимий суҳбатлар ёшларни яхши йўлга етаклайди.

Гапнинг индаллосини айтганда, бу мактабда бекорчилар йўқ. Бекорчи вақт ҳам. Ҳамма ёмон ишлар бекорчиликдан келиб чиқади, шунинг учун бекорчидан худо ҳам безор, дейишади-ку...

Суратларда мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Сурат ва матн муаллифи

«Туркистон» мухбири Аъзамжон МИРЗАЖОН.

Ўтиш даври сабоқлари

ЁШЛАР ИТТИФОҚИ АНЖУМАНЛАРИ

Жиззах вилоят Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг IX конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Ташкилотни янгилаш учун олиб борилаётган ишлар тўғрисида» вилоят қўмитаси биринчи котиби К. Абдусатторов, вилоят Ёшлар Иттифоқи назорат комиссияси раиси М. Сафаровлар маъруза қилдилар. Маърузалар юзасидан музокаралар бўлди.

Кун тартибида бир қатор масалалар кўрилди. Вилоят ЁИ қўмитаси Низоми тасдиқланди.

Вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Комилжон Абдусатторов вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби этиб, Алишер Ҳайдаров котиби этиб қайтадан сайландилар.

Конференция ишида вилоят ҳокими муовини Ж. Исроилов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўми биринчи котиби А. Орзиматовлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

* * *

Навоий Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг IV конференциясида қўмита биринчи котиби Шамсиддин Безоров маъруза қилди. Маъруза юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

Вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташкилий пленуми бўлди. Вилоят Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси биринчи котиби этиб Шамсиддин Бозоров, котиби этиб Шавкат Муҳаммадиевлар сайландилар.

Конференция ишида Навоий вилоят ҳокими А. Айдарқулов, вилоят халқ демократик партияси биринчи котиби Б. Рўзиев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказқўми котиби И. Бибиковлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

(Ўз мухбиримиз).

(Конференциялар тўғрисидаги батафсил ҳисоботларни газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз).

НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШ

Андижон вилояти ҳокимлиги қошидаги Ёшлар билан ишлаш кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими Қобилжон Обидов Кенгаш раиси этиб тасдиқланди. Мазкур кенгаш раисининг ўринбосари вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг саркотиби З. Саидхўжаев кенгаш Низоми лойиҳаси билан йиғилганларни таништирди.

Қизғин баҳслардан сўнг Кенгаш Низоми ҳамда унинг жорий йил учун тузилган иш режаси маъқулланди. Йиғилишда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган кенгаш раислари иштирок этдилар.

ФЕРМЕРНИНГ САХОВАТИ

Жарқўрғон туманига қарашли Норали Боймуродов номидаги жамоа хўжалиги фермери Санақул Бозоров қўшни Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалиги болалар боғчасига шоҳ-мот мусобақаси ўтказиш учун шахсий жамғармасидан 10 минг сўм ажратди. Болажон фермер қишлоғидаги ўрта мактабга, эҳтиёжманд оилаларга, туман марказий шифохонасининг болалар бўлимига ҳам моддий ёрдам берди.

ҚЎҚОНАРАВА МИНГАНМИСИЗ?

Қўқон ўрмон хўжалиги дурадгорлари қайрағочдан арава тайёрлашни йўлга қўйди. Қадимги андозалар асосида қурилган бу арава синаб кўрилмоқда. Транспорт ва ёнилғи нархи осмонга чиқиб кетган ҳозирги вақтда бундай от-улов шахсий ва фермер хўжаликларига қўл келади.

НАВРЎЗ ҲАҚИДА РИСОЛА

«Андижон» нашриётида «Ассалом, Наврўз!» тўплами чоп этилди. Ундан байрам айтишувлари, лапарлар, шеърий табриклар, пайровлар ҳамда пазандалик кўрикларини ўтказиш тўғрисидаги тавсиялар ўрин олган. Андижон дорилфунуни доценти М. Ёқуббекованинг бу китоби умумхалқ байрамини ўтказишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Самарқандда шоир, драматург ва жамоат арбоби Ҳожи Муин ибни Шукурулло таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан ўтказилган кечада шоирнинг адабиётимизни ривожлантиришга, республикада матбуотни ташкил этиш ишларига қўшган ҳиссаси таъкидланди.

Шаҳарнинг сўлим кўчаларидан бирига шоирга эҳтиром рамзи сифатида Ҳожи Муин ибни Шукурулло номи берилиб, ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

СИЗДАН ҲАРАКАТ, БИЗДАН БАРАКАТ

Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон қўмитасининг ов хўжалиги, миллий боғлар ва қўриқхоналар бош бошқармаси ҳузурида ташкил қилинган тижорат-саёҳат маркази кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ўз лицензиясига эга бўлган бу марказ хоҳловчиларни Покистон, Ҳиндистонга юборади, юмшоқ ва қулай автобусларда Урумчи, Бишкек ҳатто Москва шаҳарларига бориб келишингизга кафолат беради. Зарур ҳужжатларнинг барчасини ўзи тайёрлайди. Чунки у сиздан ҳаракат, биздан баракат қабилида иш юритаяпти. Мабодо сизда хоҳиш туғилса, Ўзбекистон кўчаси, 49 «а» уйга ёки 45-89-31 рақамли телефон орқали мурожаат қилинг.

ЯНГИ МАРКАЗ

Наманганликлар яқинда юрак хасталикларини даволайдиган замонавий марказга эга бўлишади. Кейинги пайтларда аҳоли ўртасида турли юрак касалликларининг тарқалиши оқибатида беморларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмаётганликларидан ташвишланган вилоят ҳокимлиги ва унинг Соғлиқни сақлаш бошқармаси ана шундай марказ ташкил этишга қарор қилди. Вилоят ҳокими Бургутали Рапиғалиев фармойишини бутун вилоят халқи мамнунлик билан кутиб олди. Буюртмачи ва ижарачи ташкилотлар марказ биносини қуришга киришдилар.

(Ўз мухбиримиз).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҒАЛАБА КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги, унинг иқтисодиёти, маданиятини ривожлантиришдаги, мустақилликни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги катта хизматлари учун, шунингдек, 9 май — Ғалаба куни муносабати билан:

1. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногирон байналмилал жангчилар, шунингдек, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари 10 минг сўм миқдорда пул билан мукофотлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг пенсия жамғармаси билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида мазкур фармонда кўзда тутилган харажатларни пул билан таъминлаш тартиби ва манбаларини аниқласин.

3. Ўзбекистон Республикасининг марказий банки, Ўзбекистон Республикасининг пенсия жамғармаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик хизмати юқорида кўрсатилган мукофотларнинг ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 26 апрель.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Германияга сафари бошланади

Оврупога йўл

Қилни қирқ ёрган сиёсатдонлар, хўжалик юритиш ҳадини олган иқтисодчилар, йилт этган янгиликдан хабардор мухбирлар ва рўзғор ташвишлари билан овора истеъмолчилар сўнгги йилларда Германия Федератив Республикасидаги барқарор сиёсий вазият, юксак иқтисодий омиллар тажассуми, мамлакатнинг Оврупо ҳамжамияти, дунё миқёсида нуфузи ортиб бораётгани, олмон иқтисодиёти мевалари рўзғор деган кенгликка ҳеч бир қаршиликсиз кириб келаётгани тўғрисида сўзлайдилар.

Қадимда тараққиёт бешикларидан бири сифатида тан олинган, эндиликда мустақиллик шарофати туфайли дунёга қайта юз очаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган Умумжаҳон иқтисодий анжуманида икки марта иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари икки сафар оралиғида Австрия республикасига ҳам расмий давлат ташрифи буюриб, олмон тилли дунё билан Ўзбекистон, иқтисодий ва маданий алоқаларини шакллантириш ва барқарорлаштиришда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланди.

Маълумки, олмон тилли дунё жаннатмакон ва бой Швейцария конфедерацияси, гўзал ва обрўли Австрия республикаси, «Оврупо гавҳари» дея таърифланган Люксембург, зиғиртак Лихтенштейн князлиги, нуфузли, қудратли ва бақувват Германия Федератив Республикасидан иборат. Бу давлатлар сиёсий жиҳатдан яхлит бир ҳамкорлик сифатида шаклланмаган бўлса-да, иқтисодий қадриятлар нуқтаи назаридан бир бутун воқелик мавқеига эга. Ҳудудий жиҳатдан йириклиги ва иқтисодий бақувватлиги сабабли ГФР олмон тилли дунёда, Оврупода ва дунёда нуфузга моликдир. Давлатимиз бошлиғининг Германияга сафари аввало Ўзбекистоннинг олмон тилли дунё билан алоқаларини мустаҳкамлайди ҳамда Оврупо, дунё бозорига чиқишдаги омилларини барқарорлаштиради.

Германиянинг XIX аср охирлари ва XX асрнинг иккинчи ярмида Буюк Британия билан Россия империялари, кейинчалик Совет Иттифоқига қарши урушишини шарҳларкан, аксарият тарихчилар ва файласуфлар мамлакатнинг тарихий ва жуғрофий ўрни ва миллат маконининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни тавсия этадилар. Бинобарин, бирмунча тор ҳудуд олмонларни қатъий интизомга, ҳар ишни ўз вақтида қилишга, ҳар бир ҳодисани ипидан-игнасигача ўрганишга ва ҳар нарсани ўз ўрнида намоён бўлишига эришишга мажбур қилди. Қисқаси, ҳозирги пайтда «Олмон мўъжизаси» дея таърифланаётган жараённинг тарихий илдизлари кўп ҳолларда ҳудуд, аниқроғи миллий тасарруф масаласига бориб тақалади. Бу ҳодиса Япония, Жанубий Корея, Тайван ва Ливан мисолида ҳам намоён бўларкан, ҳудудий бирликлар иқтисодий тараққиётнинг етакчи омилига айланди деб хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан Германиядан катта ва ўзбеклар олмонларга қараганда оз бўлишига қарамай, халқимизнинг, юртнинг чекланган ҳудудларда—водийларда кун кечириши икки халқ ўртасида айрим ўхшаш жиҳатларнинг борлигидан далолат беради. Машҳур халқшунос Василий Радлов Тошкент ва Самарқанд воҳаси аҳолиси табиати ҳақида сўзларкан, ўзбек миллатининг худди олмонлар сингари интизомга, аниқликка ва изчилликка мойиллиги ҳамда қонунни ҳурмат қилиши тўғрисида завқланиб ёзади.

Германияда яхши ишлашади, фаровон кун кечиришади. Расмий маълумотларга қараганда, ГФР «улуғ еттилик» яъни, ниҳоятда саноатлашган АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Италия ва Японияга мансуб тараққий этган мамлакатлар силсиласида умуммиллий маҳсулот ва саноат кўрсаткичлари бобида учинчи ўринда туради. АҚШ ва Япониядан кейинда турадиган бу давлатнинг Оврупо ҳамжамият мамлакатлари орасида иқтисодий нуфузи анча баланд. Собиқ ГДР ГФР таркибига беш вилоят сифатида қайта қўшилгач, яқин йилларда ҳамжамият доирасидаги Германия умуммаҳсулот ҳажмининг аввалги 25 фоиздан 31-33 фоизга етиши тахмин этилмоқда.

Фалакнинг гардишини қарангки, АҚШнинг 42- Президенти Билл Клинтон маъмурияти Ғарбий Оврупо ҳамжамияти молларининг, аслида Германия, Дания, Буюк Британия ва Италия саноати маҳсулотларининг мамлакат бозорини эгаллаб олишидан чўчиб, раҳбарликни «Савдо уруши» сиёсати юритишдан бошлади.

Ҳеч бир миллат ёхуд мамлакатнинг башариятдан ўзиб кетолмаслигини алоҳида қайд эта туриб, кези келганда шуни айтиш кераккки, олмон халқининг миллий хусусиятларининг деярли барчаси бозор иқтисодиётининг асосий омилларига айланди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра илмий ва технологик тафаккур ниҳоят даражада ўсган XIX ва XX асрларда Германия фарзандлари жами кашфиётларнинг 37,3 фоизини амалга оширганлар. Нуфузли мутахассислар бугунги кунда фазога учаётган сунъий йўлдошлардан тортиб фақат чап қўлли одамлар ишлайдиган махсус технологиялар олмон тафаккурининг меваси эканлигини эътироф этарканлар икки муҳим жиҳатга эътиборни қаратадилар. Сўнгги йилларда дунё иқтисодиётининг марказлари АҚШ,

(Давоми 2-бетда).

Бир дарёнинг ирмоқлари

ВАТАНПАРВАРЛАР КЕРАК МУСТАҚИЛЛИККА...

Ўтирибмиз. Икки ўзбек. Биримиз — Жавдат, юртимизда Шўро салтанати ўрнатилгач, унга қул бўлишни хоҳламай, бош олиб чиқиб кетган, умри саргардонликда ўтган бўлса-да, қалбида Ватан чироғи ўчмаган авлод вакили. Иккинчимиз—мен, Октябрь инқилобини эзгулик қуёши чиқди деб қабул қилган, унга садоқат билан хизмат қилиб, бири икки бўлмаган, сўнгида эса алданганини англаб етган авлод кишиси. Жавдат Сайхон ҳозир Вашингтонда яшайди. «Америка овози»нинг ўзбек таҳририятида ишлайди. Иқтидорли журналист сифатида америка матбуотида ўз мавқеига эга. Ота-онаси Туркияда яшайди. Отаси — таниқли ижодкор Собир Сайхонли. Ўзбекистондан Туркияга борган ҳар бир зиёли Собир аканикида бир қўним топади.

Жавдат билан Тошкентда ўтган ёш ватандошлар анжуманида суҳбатлашгандик. Унинг кетар вақти бўлиб қолганидан гурунгимиз чала қолганди. Омонлик бўлса, у кейинги келганда яна гаплашишга келишгандик. Лекин дафтаримни варақлаб ўша чала суҳбат ҳам шу бугунги кунимизга жуда монанд эканлигини билиб, уни қоралашга тушдим.

— Жавдат, энг бахтли кунингиз қачон бўлган?

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдига Ўзбекистон байроғи тикилган кун. Худо ҳаққи. Ишонинг. Ўша куни Американинг ҳамма бурчидан ўзбеклар қанот чиқариб, Нью-Йоркка учиб келганмиз. Кўзларимизда ёш. Юракларда ҳаяжон, ғурур. Ўзинг учун, ўз юртинг, она тупроғинг, миллатинг учун фахр туйғуси. Ахир бу кунни биз неча йиллардан бери кутганмиз. Шу кунга етармиканмиз деб ўлиб кетганлар қанча бўлган. Бир-биримизни қучоқлаб, муборакбод этамиз. Эҳ, у куннинг таърифини журналист бўлсам-да, бор бўйи билан чизиб беролмайман...

— Хўп... бу бир кунлик ҳаяжондир, кейин-чи, кейин яна ҳаёт ўз маромида кетавергандир...

— Йўқ, бу бир кунлик ҳаяжон эмас. Бир умрлик. Мени тўғри тушунинг, биродар. Ватанни бир марта йўқотган одам, уни энди қадрлайди. Аслида, биз Ватанни йўқотмаганмиз. У ота-боболаримиз қалбида бирга кетганди.

Менинг бу гапларим, муҳожирликни кўрмаган, юрт ҳажрида азият чекмаган одамларга бир оз нотабиийроқ, баландпарвозроқ туюлиши мумкин. Лекин мени тушуниш учун Сизларга шу кунларни раво кўрмайман.

— Ватандан қай таассуротлар билан қайтмоқдасиз?

— Оламшумул! Ватанни кўришнинг ўзи бахт эди. Юртни айландим. Ўзбекистон биз ўйлагандан ободроқ экан! Ўзбек халқи шунча давр мустамлакада яшаган бўлса-да, унинг биз ота-боболардан эшитган меҳнаткашлиги, одамижонлиги, болажонлиги, меҳмондўстлиги йўқолмабди.

Фақат кўнгилда бир мулоҳаза ором бермаяпти...

— Марҳамат, ҳеч истиҳоласиз гапираверинг. Ўринли бўлса, бажонидил қабул қиламиз. Шояд асқотиб қолар...

— Мен юртга келарда кўп ҳаяжонларга тўлгандим. Лекин келиб, қилинаётган ишлардан мамнун бўлсам-да, бир нарса ўйлантириб қўйди.

Айримлар кайфиятида эски даврни қўмсаш бор. Улар бугунги қийинчиликлар олдида довдираб, «СССР даврида ундоқ эди, бундоқ эди» деб гапиришди. Ранжидим. Халқ шуурида мустақилликнинг моҳиятини англаб етиш, уни қадрлаш туйғуларини жадал тикламоқ керак. СССРни қўмсаш бу оддий туйғу эмас, у олиб борилаётган ислоҳотларни ҳам сусайтириши мумкин. Шунинг учун унга зарба бериш керак. Бу ўринда ойнаи-жаҳон, радио, газет-журналлар ўз ишини қилиши керак. Афсуски, хафа бўлманг-у, бу соҳада сизларда малака етишмайди чоғи. Бир ҳафта — 10 кун мобайнида ойнаи-жаҳонни кўрдим, радиони эшитдим, газетларни варақлаб, ўзимча таҳлил қилдим. Қайтанга қийинчиликлар, мураккабликларни кўрсатиш орқали, эски мафкуранинг бутун ғирромликларини очиб бериш керак. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун бугун кечаги йўсинда ишлаш ярамайди. Керак бўлса 10 ҳисса яхши ишлаш керак. Халқни ишчанликка йўналтириш зарур.

Америка дунёдаги энг ватанпарвар мамлакат. Агар бугун Америка манфаатлари учун шу ишни қилиш керак дейилса, бўлди. Ҳеч қандай эътирозсиз шу иш қилинади. Ўзбекистонда ҳам шунга эришиш керак. Лекин бунинг учун халқда ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш лозим. Мактабдан бошлаб ватанпарварлик дарсларини ўқитмоқ жоиздир балки. Ойнаи-жаҳонда ҳам ватанпарварлик сабоқларига доир кўрсатувлар малакали тайёрланса яхши бўларди. Фақат гап яна касб малакасига бориб тақалади. Сизларда ҳамма яхши иш дарров кампанияга айланиб кетаркан, урра бошланиб кетаркан. Бу билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Яна бир масалани айтмасам, кўнглим тўлмайди. Миллат манфаати, давлат манфаати деган тушунча ҳам ривож топиши керак. Бозорларни кезиб, дўконларни кўриб, одамлар-у, ишбилармонлар билан гаплашиб бир нарсани сездим. Агар 5 сўм ортиқчасига бўлса, ҳеч иккиланмай кўпчилик манфаатига зид иш қилишдан чўчийдиганлар кам экан. Америкада эса аксинча. Ҳозир тонналаб озиқ-овқатни четга олиб чиқаётган, шу йўл билан бойлик орттираётган юртдошларимни мени кечиришсин-у, ҳақиқий ватанпарвар ўзбек дея олмайман.

Бир қарашда менинг бу фикрларим унча аҳамиятсиз, майда гаплардай туюлар. Лекин энг аввало, ҳар бир ўзбек ўз юрагида мустақиллик байроғини кўтармас, уни кўз қорачиғидай эъзозламас, унинг қадрига етмас экан, шунга яраша меҳнат қилмас экан, ишларимиз унча юришмайди.

Мустақилликни қадрига етиш учун албатта бизнингдек муҳожирликни, фироқни кўриш шарт эмас-ку!..

Ўшанда Жавдатнинг бу таъсирли сўзлари ота юртга келган тенгдош биродаримнинг қуруқ ҳаяжони эмасди. Зеро яқинда Президент Каримов «Биз фидойи, ватанпарварларга таянамиз» деганда минг карра ҳақ эди. Чунки айнан шундайлар Мустақиллик устунларидир.

А. АҲМЕДОВ.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **АНЧА** танаффусдан сўнг Санкт-Петербургда «Ленинградская правда» газетаси яна чоп этила бошланди.

● **ТАНИҚЛИ** хонанда Алла Пугачёва Ставрополга бормоқчи эди. Уни мухлислари мунтазирлик билан кутишаётганди. Аммо ташриф қолдирилди. Сабаби концертга кириш чиптасининг нархи осмондалиги. Ахир ким ҳам энг арзони 10 минг сўм, қиммати эса 30 минг тўлаб концертга киради. Бунда Пугачеванинг шуҳрати ҳам фойда бермади.

● **АВСТРИЯ** республикасининг федерал канцлери Франц Враницкий Қозоғистон пойтахтига расмий ташриф буюрди. Унинг Президенти Нурсултон Назарбоев билан музокара ўтказиши, Қозоғистон савдо-саноат доираларининг намояндалари билан учрашиши кўзда тутилмоқда.

● **МИНСКДА** БЛКЕИ [ВЛКСМ]нинг навбатдаги XXIV съезди очилди. Комсомол съезди 75 йил мобайнида биринчи марта Москвадан бошқа жойда бўлмоқда. Россия, Беларусь ва Украина комсомол ташкилотлари мазкур съезднинг таъсисчилари бўлишди. Ленинчи коммунистик ёшлар уюшмаси фақат Беларусдагина расмий равишда рўйхатга олинган. Таъсисчилар мазкур съездда ВЛКСМнинг мутлақо янги жиҳатдан қайта тикланишига умид қилмоқдалар. Янги тузилган ВЛКСМ маслаҳат берувчи-мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилот бўлиб қолади, дейишмоқда улар.

● **ЧЕЧНЯ** Президенти Жоҳар Дудаев республика парламентининг аъзоларига мурожат этиб, низоларга учмасликка, вазиятни барқарорлаштириш ва давлатни мустаҳкамлаш учун барча соғлом кучларни бирлаштиришга чақирди, деб хабар қилади Ченпресс ахборот агентлиги.

● **ЎТГАН** куни кечаси Арманистон республикасининг Қуролли кучлари Озарбайжоннинг Зангелан туманидаги Шойинфли ва Коллуқишлоқ қишлоқларини Нахечиван Мухтор республикасининг Садарак шаҳарчасини ўққа тутди. Қанча киши нобуд бўлгани ва иморатлар бузилгани ҳақида маълумот йўқ.

● **БОРИС** Ельцин Россияни демократия ва бозор иқтисодиёти сари силжитиш кафилидир, деди Чехия Республикасининг Президенти Вацлав Гавел радио орқали ўтказилган анъанавий суҳбатда.

● **БУЛТУРГИ** Президент сайловида Б. Клинтон ва Ж. Буш билан жиддий рақобат қилган техаслик миллиардер Росс Пероннинг айтишича, демократияга эришиш соҳасида Россияга кўмаклашиш Амриқога унча қимматга тушмайди, «совуқ уруш»га қайтиш эҳтимоли эса ҳаддан ташқари қимматга тушиши мумкин.



Қарши шаҳар халқ таълими бўлими ҳузуридаги «Ўқувчи ёшлар маркази»дан болаларнинг қадами узилмайди.

— Бизнинг марказда 41 та тўгарак мавжуд, — дейди марказ директори, тажрибали муаллим Боймир Жўраев, — тўгараклар 164 гуруҳга бўлинган бўлиб, бу ерга шаҳардаги ўттизта мактабдан 2800 ўқувчи машғулотларга қатнайди. Бу ерда мусаввирлик, тикиш-бичиш, авиамоделчиликни ва турли тилларни ўрганишади.

СУРАТДА: «Ёш авиамоделчилар» тўгараги раҳбари Б. Қодиров шогирдлари даврасида.

Суратчи Ш. ШАРОПОВ (ЎзА).

АЛЛО, БУ «ИШОНЧ»МИ?

Бухоро вилоят ички ишлар бошқармасида «Ишонч» телефонлари ишлай бошлади. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири Илҳом Сафаровнинг вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Садриддин Зайниев билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

— Садриддин ака, «Ишонч» телефонига қўнғироқ қилган кишига жиноятчилар бирон зиён-заҳмат етказмаслигига кафолат борми!

— Бундай кафолат бўлмаса, янгиликни жорий этмас эдик. Гап шундаки, бизга ёрдам бериш ниятида бўлган фуқаро исм-шарифини айтмаслиги ҳам мумкин.

— Шундай йўл билан фош этилган жиноятлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Яқинда, кеч соат саккиз яримлар чамаси «Ишонч» телефони жиринглаб қолди. Қўнғироқ қилган киши шаҳарнинг Свердлов автобекати ортидаги қабристон ёнига «Жигули» автомашинаси келиб тўхтаганини, унинг атрофида шубҳали кишилар ўралашиб юрганини айтди. Бу хабар олиниши биланоқ тезкор гуруҳ тузилиб, вилоятдаги барча давлат автомобиль назорати постлари огоҳлантирилди. Орадан ярим соат вақт ўтар-ўтмас Бухоро — Жондор йўлида ўша шубҳали «Жигули» тўхтатилди. Машина ичидан «Калашников» автомати, юзта ўқ, чорак килограмм қорадори ва пул топилди. Қўлга тушганлар устидан тергов бошланди.

«Ишонч» телефонлари туфайли, деди пировардида С. Зайниев, ўнлаб оғир жиноятларнинг олди олиняпти, машина ўғрилари, қотиллар, уюшган жиноятчилар тўдаси фош этиляпти

ДИЛЛАРДА БАҲОР

Келинчак баҳор дилларга илҳом, қалбларга завқ бахшида этиб, юракларга яшариш руҳини бермоқда. Бунга биз Республика транспорти ички ишлар бошқармасининг катта ҳовлисига кирганда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Карнай-сурнай садолари барчани бу даргоҳга чорларди.

— Яхши умидлар билан ош беришни анчадан буён ният қилиб юрган эдик, — дейди республика транспорти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Анваржон Бадалбоев. Катта байрам тантанамизга юртимизнинг турли бурчакларидан тармоғимиз ходимлари ташриф буюришди. Байрам баҳона ходимларимиз бир-бирлари билан дийдорлашдилар. Янгиликлардан хабардор бўлишди. Энг асосийси ҳамкасблар бир пиёла чой устида гурунг қилишди.

Ўша куни меҳмонларнинг кети узилмади. Хушовоз хонанда Нуриддин Ҳайдаров дилтортар қўшиқлари билан меҳмонларни хушнуд этди. Айниқса бошқарманинг Қарши шаҳар шоҳ бекат ички ишлар бўлими бошлиғи муовини Анвар Шойқулов ижро этган лирик қўшиқларни мухлислар қарсаклар билан олқишлаб турдилар. Байрам кечгача давом этди.

(Ўз мухбиримиз).

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

Овруопога йўл

(Боши 1-бетда).

Овруопо ҳамжамияти, Японияда жорий этилган технологиянинг асосий қисми, биринчидан олмон технологиясини тўлиқ ёхуд қисман ўзлаштириш; иккинчидан, Германия саноати ютуқлари билан рақобат қилиш туфайли вужудга келган.

Мафкурапарастлик заминида шаклланган маъмурий буйруқбозлик, аниқроғи, қатъий режали иқтисодиётдан фарқли ўлароқ шахснинг эркинлиги, унинг жисмоний ва маънавий эҳтиёжлари асосида барқарорлашган бозор иқтисодиёти, табиблар тили билан айтганда, юқумли жараён саналади. Мабодо, Овруопо ҳамжамияти мамлакатларидаги иқтисодий қадриятлар илгари мустамлака қитъалар ва ўлкаларга куч билан сингдирилган бўлса, асримизнинг иккинчи ярмида бу жараён қисман гуруҳпарастлик ва асосан миллий эҳтиёжлар туфайли кенг тарқала бошлади. Япония, Жанубий Корея, Тайванд, Сингапур, Гонконгда ўзини оқлаган омиллар эндиликда Индонезия, Филиппин, Таиланд, Малайзия ва ҳатто Хитой Халқ Республикасига «бостириб» кира бошлади. Овруопо ҳамжамияти мамлакатлари иқтисодиёти нафақат, мўътадил ва барқарор, қолаверса, «ҳужумкор» иқтисодиётдир. ГФР халқ хўжалиги ана шу ҳужумкор иқтисодиётнинг асосий манбаи саналади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган «совуқ уруш» йилларида АҚШ ва собиқ Совет Иттифоқининг, қисман Буюк Британия, Франция, Хитой Халқ Республикасининг иқтисодиёти қуролланиш пойгасида зўриқиб ишлай бошлади. Айни чоғда Германия, Италия, Япония, Швеция, Жанубий Корея ва Таиланд каби илғор давлатларнинг халқ хўжалиги шахсга хизмат қилувчи иқтисодий жараёнларни бошдан кечирди. Олмонларнинг миллий манфаатларига «хизмат қилиб келган» совуқ уруш йиллари тугагач, мамлакат олдида ижобий иқтисодий жараёнларни тараққийпарвар давлатларда кенгроқ ёйиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Табиий бойликлар, ички имкониятлар ва жуғрофий-иқлим жиҳатдан Ўзбекистон Германиядан бир неча карра бой, тарихий афзалликларга эга бўлсада, у асосан технология соҳасида Германиядан анча ортда қолган ва халқ хўжалигидаги бу эҳтиёжни Германия, унга ўхшаш мамлакатларнинг энг илғор технологияси билан бойитишга мажбур бўлади. Қитъанинг қоқ марказидаги янги ҳамкоримиз эса ўз иқтисодий анъаналарига биноан хом ашё, ярим тайёр маҳсулот сотиб олиш ва янги технологияни экспорт қилишга муҳтож.

Бугунги кунда Германия ўқув юртларида 110 минг хорижлик талаба таҳсил кўрмоқда. Бир-бирига ўхшамайдиган ва бир-биридан нуфузли олмон дорилфунунлари иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг деярли барча мамлакатларида фаолият кўрсатаётган 600 мингдан ортиқ етук олимларни ва тадқиқотчиларни тарбиялаб берди. Расмий маълумотларга қараганда, ҳозир Ер юзида 2 миллион 100 минг ишга - яроқли олим бор. 20-йилларда Ўзбекистон билан Германия маърифий алоқалари шаклланган, бироқ кейинчалик бу мамлакатда таҳсил кўрган мутахассислар айни хайрли тадбир баробарида қатағон этилган эди. Ислом Каримовнинг Германияга бўлажак ташрифи бир замонлар қаттиқ беркитилган эшикни қайта очишига имонимиз комил.

Германия Федератив Республикаси вазирликлари, айрим йирик компаниялар ҳамда инсонпарварлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу мамлакатга ташрифига қадар ҳам икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни тиклашда ва такомиллаштиришда фаол ишладилар. Дастлабки қўшма корхоналар қуриш, оммавий тадбирлар ва истиқболларни белгилаш амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда Ғарбий Овруопо мамлакатларида Маастрихт шартномасига кўра Овруопо Иттифоқи тузиш жараёни давом этмоқда. Германия Федератив Республикаси иқтисодий қудрати ва молиявий мавқеи билан ушбу Иттифоқнинг негизида турибди. Бинобарин, бу Иттифоқ фақатгина ҳамжамият доирасидаги алоқаларни янада такомиллаштириш ва турмушни арзонлаштириш дан иборат бўлмай, Ер юзининг бошқа қитъалари ва минтақалари, шу жумладан, Ўзбекистон билан ҳам қизғин сиёсий, иқтисодий алоқаларни олиб боришга қаратилгандир.

Ўзбекистон билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар йилдан-йилга ривожланиб ва такомиллашиб бораверади.

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,
«Туркистон» шарҳловчиси.

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ...

Бир газетанинг ёлғон-яшиқлари

Москвада чиқадиган айрим газеталар Марказий Осиёда рўй бераётган воқеаларни тўғридан -тўғри, андишасизларча қоралашдан воз кечиб, энди пинҳона, уларнинг наздида «жўнроқ» йўлга ўтишган кўринади. Аммо улар ҳақиқий мақсадларини нақадар ниқобламасинлар, буюк давлатчилик қилиқлари шундоққина кўриниб турибди. Гўё улар «демократ»ларни кўкрак кериб ҳимоя қилаётгандек бўлиб, уларга эргашишни истамай, ўзининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўлидан бораётганларни аёвсиз фош қилишга киришгандек кўринадилар.

Бунга мисоллар кўп. «Московские новости», «День», «Российская газета», «Независимая газета» баъзан эса «Правда» ва «Известия» собиқ Иттифоқнинг «демократлар» йўлидан боришни хоҳламаётган Осиё республикаларини кетма-кет бўралаб сўкмоқдалар. Ажабланарли жойи шуки, уларнинг усуллари ва далил-исботлари жуда кулгили. Бу республикаларда гўё инсон ҳуқуқлари бузилаётган, диктаторлик тузумлари ўрнатилаётган, ўзгача фикрдагилар қисувга олинаётган эмиш. Бас, шундай экан, сифат жиҳатдан янгича, нозикроқ, ва пухтароқ ёндашув керак, деган қарорга келишди улар. Муҳтарам «Комсомольская правда» газетаси шу йўлни танлаб олди.

Мазкур газета 22 апрель куни (тасодифми ёки атайлабми, бу материал Ленин туғилган кунда берилди) жаноб Анисимовнинг «Биз йўқ жойда ҳамма нарса яхши» сарлавҳали, ўз назарида вазмин сиёсий-иқтисодий мақоласини босиб чиқарди. Унга «МДҲнинг очиқ чегараларини бузаётган танглик» деган кичик сарлавҳа ҳам берилган. Бизнинг назаримизда, муаллиф рўй бераётган воқеаларни холисона баҳоламоқчи бўлган. У кўпдан-кўп рақамларни чоғиштиради, танглигининг чуқур сабаблари ҳақида гапиради, собиқ СССР республикаларидан ҳар бирида ҳозирги босқичдаги аҳволни эринмай таҳлил этади. Газета иқтисодиёт бўлими муҳаррирининг ўринбосари бўлмиш Анисимов чиқарган хулосага кўра ҳозир ислоҳотлар йўлида қатъият билан бораётган республикалар ёмон аҳволга тушиб қолган. Болтиқбўйи мамлакатлари, Россия, Украина шулар жумласига киради. Аммо улар билан дарров баравар оёқ ташламаётганлар бирмунча дуруст яшамоқдалар, ижтимоий ларзаларга дуч келмаяптилар.

«Ўзбекистондаги аҳвол нисбатан яхши, бу ерда истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг қисқаришига деярли йўл қўйилмади: атиги 1 фоиз қисқарди. Айни вақтда енгил саноат ҳатто 17 фоиз кўтарилди. Болтиқбўйи мамлакатларида собиқ СССРнинг бошқа давлатлари билан иқтисодий алоқалар узилиши сабабли ишлаб чиқариш пасайиб кетди. Эстонияда саноат ишлаб чиқариши 35 фоиз, Латвияда 35,1 фоиз, Литвада 55 фоиз камайди», — деб ёзади муаллиф. Бу рақамларга шубҳаланиб бўлмайди. Улар ҳаммага маълум. Аммо муаллиф сўнгги қирқ сатрда ўз «асари»нинг ҳақиқий моҳиятини ошкор этади. Чунончи, у янги чиққан «ислоҳотчилар»нинг ижозатсиз бозор муносабатига осойишта ўтиш тарафдорларига «демократлар»ни қарама-қарши қўяди. Жаноб Анисимов яна бундай деб ёзади:

«Хулоса мутлақо равшандек: ислоҳотлар йўлида анча илгарилаб кетган мамлакатларда ишлаб чиқариш даражаси кўпроқ пасайиши содир бўлди. Давлат моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари устидан қаттиқ назоратни сақлаб қолган жойларда эса хўжалик камроқ зарар кўрди. Аммо бу — зоҳирий саодатдир... Чириб бораётган тузумда яшаса бўлаверади, албатта, аммо бу узоққа бормайди, дард газак олиб кетгач, унга жарроҳлар ҳам илож топишолмай қолади. Иқтисодиётнинг таназзулга учраши муқаррар эди — иқтисодиётда эмас, жамики соҳаларда ҳам ҳаддан ташқари кўп нарса барбод бўлди. Социалистик иқтисодиётга кескин барҳам берган ва бунинг учун ҳар қандай қийинчиликка бардош беришга тайёр турган Болтиқбўйи давлатлари ҳақми ёки ўтмишда қолаверишни афзал кўраётган Ўрта Осиё давлатларими? — Бу саволга фақат тарих жавоб бера олади».

Э-ҳа, мана гап нимада экан? Аммо бошқа бир табиий савол туғилади: хўш, мустақил Болтиқбўйи мамлакатлари-ю, Марказий Осиё минтақаси республикаларининг муаммолари билан москвалик журналистларнинг нима иши бор? Бунинг жавоби қийин эмас: улар империячилик фикр-хаёлларидан ҳеч воз кеча олмаяптилар, аввалгидек ўзларини «қуруқликнинг олтидан бири ҳукмдорлари» деб ҳисобламоқдалар. Кези келганда айтиш керакки, худо хайрингизни берсин, Россиядаги ўз муаммоларингизни бир амаллаб эплаб олинг, ўз ишкалликларингиз кундан-кун ортиб боряпти-ку, ҳозир бутун бошли буюк Россиянинг тақдири таҳлика остида турибди-ку...

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини танлаб олган. У кўрсатмаларсиз ва турткиларсиз яшай олади.

(ЎзА).

Бизнинг мусоҳаба

Комилжон ЙЎЛДОШЕВ:

«САМАРАСИЗ ИШНИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ»

Суҳбатдошимиз Комилжон Йўлдошев. 1951 йилда Тошкентда туғилган. Исмини ҳам қўшиқчи бўлсин, деб машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов қўйган. У яхши қўшиқчи бўлмади, лекин иқтидорли шифокор, яхши олим бўлди. Олти фарзанднинг отаси. Ҳозирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тери-таносил касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори. Институтни бошқараётганига кўп бўлгани йўқ, лекин бу ерда узоқ вақт муовини бўлиб ишлади. Ҳозир докторлик диссертациясини ҳимояга тайёрламоқда. Хуллас, раҳбарлик билан илмни қўшиб олиб боряпти.

— Комилжон ака, муаммо, муаммо, деган сўзга ўрганиб қолдик. Ҳозир сизни ўйлантираётган касалликлар ҳақида икки оғиз.

— Кейинги пайтларда республика ҳукумати мамлакатимизда инсон саломатлиги йўлида талай ғамхўрликлар кўрсатаётгани кўпчиликка аён. Янгидан-янги шифохоналар қурилмоқда, замонавий даволаш жиҳозлари билан таъминланмоқда. Муаммоларга келганда, бевосита бизга тааллуқлиси — соҳа мутахассисларини ташвишга солган юқумли касалликлардан иккитаси ҳақида гапирсам. Булар — терининг замбуруғли касалликлари ва қўтир хасталигидир. Ўтган йили мана шу касалликка кўпчилик дучор бўлди. Бу хасталик асосан — болаларда учраяпти. Бош сабаб — уй ҳайвонларининг кўпайишидир. Кейинги пайтда ҳамма нарса иқтисодга боғланиб, ветеринария ходимлари ҳам ҳайвонларни назоратдан ўз вақтида ўтказишмаяпти. Натижада эса замбуруғли касалга учраган беморлар бизни бир қадар ташвишга солмоқда. Бу касаллик юқумли. Унга учраган киши хасталик белгиларини сезиши биланоқ шифокорларга мурожаат қилсалар, албатта олдини олиш унчалик қийин эмас.

— Сизнинг соҳангиз анчагина нозик, мураккаб. Билишимизча, докторлик ишингиз ҳам ниҳоясига етай, деб қолибди. Илмий ишлар илгари ҳам ҳимоя қилинган, лекин уни жорий қилиш, натижаси билан кўпинча қизиқилмаган, аниқроқ айтадиган бўлсак, амалиётга жорий этилмаган қанчадан-қанча илмий изланишлар ва олимлик унвонини олган кишилар...

— Гапингизнинг маъносини тушундим. Кейинги пайтда бизда ва уларда, деб бошқа мамлакатларни мисол кўрсатадиган бўлиб қолдик. Энди очиқ айтавериш керак. Сон кетидан қувиб, ўзимизни яхши кўрсатиш билан овора бўлиб, қаерга келиб қолганимиз ҳам маълум бўлди-ку. Худди шу аҳвол тиббиётда ҳам юз берган. Энди ўша хатолардан хулоса чиқаришимиз керак. Бевосита ишимга келсак, ҳозир заҳм касаллиги бўйича тадқиқотлар олиб боряпман. Беморларни тўлиқ даволагандан кейинги уларнинг соғлиғи билан боғлиқ у. Қондаги серологик реакциялар энг асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Бундай касалга чалинган беморлар даволангач, маълум вақтдан сўнг бу реакциялар мусбат ҳолатда ёки умрбод қолиши ҳам мумкин. Бу эса беморларни узоқ вақт кузатишни тақозо этади. Натижада беморлар доимий кузатувда бўлади ва қанчадан-қанча дори-дармон талаб этилади. Ўз-ўзидан кўплаб маблағ сарфлашга тўғри келади. Докторлик ишимда мана шунга сарфланадиган шифокорлар меҳнати, дори-дармонларни тежаш мақсадида бошқача йўл тутиш тўғрисидаги таклифларим бор. 1988 йилдан бери тажрибалар асосида иш олиб борилмоқда. Натижасига келсак, жуда катта миқдорда маблағ тежаб қолинади. Хуллас, самара бермайдиган ишнинг кимга кераги бор? Мен ўз ишимга худди шу нуқтаи назардан ёндашганман.

— Кўпчилик қатори сиз ҳам ўша пайтда Москвада ўқиб олим бўлганлардансиз. Иш осон кўчганмиди? Катта олимларга пора бермасанг, ишинг олға силжимайди, деган гапларни кўп эшитганмиз.

— Саволингизнинг охирги қисмига жавоб: пора бермаганман. Лекин ресторанда ҳимоядан сўнг зиёфат беришга мажбур бўлганман. Илмий раҳбардан сал омадим чопганди. Москванинг биринчи тиббиёт институтида аспирантурада ўқиб юрган чоғларимда баъзи бир оғалардан «нега сизлар келаверасизлар, жонгаям тегдиларинг» деган сўзларни ҳам эшитганмиз. Майли, булар ҳаммаси ўтиб кетди. Энди ўзимизни, ўз давлатимизнинг келажагини ўйлашимиз керак. Мана, ҳозир Президентимизнинг оқилона тадбирларидан бири жумҳуриятимизда олий аттестация комиссиясининг тузилиши бўлди. Илм қилиш учун, илмий ишларни ҳимоя қилиш учун шароит яратиляпти. Бу ҳайрли ишлар, албатта.

— Соҳада мутахассислар етишмовчилиги сезилмаяптими?

— Бу, масала анча қийнаяпти. Очиғини айтсам, ўзбекнинг нонини еб катта бўлган олимларнинг айримлари Россияга ва чет элга кетиб қолишди. Буни фақат бизнинг институтимиз мисолидагина айтаяпман. Ҳозир айниқса, қишлоқ жойларда тери-таносил касалликлари билан шуғулланувчи шифокорларнинг етишмаслиги катта муаммолардан бири. Кейинги пайтда эркин диплом, деган фикр пайдо бўлди. Бу дегани, олийгоҳни битирган талаба хоҳлаган жойда ишлаш ҳуқуқига эга. Кўпчилик битирувчилар эса иложи борича марказда қолиб ишлашни хоҳлашади. Бу бор гап. Республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Яқинда вазиримиз Шавкат Иброҳимович Каримов ташаббуси билан бир қатор мутахассислар Навоий вилояти чорвадорлари ҳузурида бўлдик. Бу ерда баъзи бир мутахассисликлар бўйича умуман шифокорлар йўқ экан. Ўн кун ичида қилган ишларимиздан аҳоли ҳурсанд бўлди. Бу яхши тадбир, лекин қачонгача бундай ишлаш мумкин? Сарф-ҳаражатлар... Энди ҳамма нарса ҳисоб-китобли бўляпти.

— Аёлларимизнинг пардоз-андозга ўта берилиб кетиши ва «бошқа масалалар» ҳақида ҳам...

— Шу соҳанинг мутахассиси бўлганлигим учун «бошқа масалалар» деб уялиброқ савол беряпсиз. Биз очиқроқ гапириб ўрганганмиз. Кейинги пайтда оилаларнинг бузилиб кетиши, етим қолган болалар ҳақида кўп гап бўляпти. Бу ишда кўпинча ота ёки онанинг бошқа йўл танлагани, очиқроқ айтсам, саёқ юриши ҳам сабаб бўляпти. Матбуотда фоҳишалар ҳақида ёзиляпти, ўзларини ўта эркин ҳис қилиб, ҳаётга бир марта келдингми, яшаб қол, қабилида турмуш кечираётган, ўзини сотиб пул топаётган аёллар ҳақида гап-сўзлар бўляпти. Булар ҳаммаси бор нарса. Иш жараёнида мен жуда кўп мана шундайлар билан учрашаман. Энди биз миллатимиз, мусулмон миллати учун хос бўлмаган нарсаларга қарши қаттиқ курашишимиз керак. Ахир, аср вабоси — СПИД хасталиги ҳақида ҳар куни қайта-қайта гапирилаётгани бежиз эмас-ку.

Энди пардоз масаласига келсак, халқимизда бир гап бор: онангни отангга бепардоз кўрсатма, дейдилар. Лекин бу ерда бир нарсани эсдан чиқармаслик керак, ҳар нарсада меъёр, ўлчов бор. Баъзи бир мода кетидан астойдил қувган сингилжонларимиз юзларини ҳаддан ташқари турли хил бўёқлар билан чаплаб юборишяпти, уларни кўрганда табиий гўзалликка нима етсин, дегинг келади. Шифокор сифатида айтадиган бўлсам, меъёрдан ташқари суртилган бўёқнинг терига ҳам таъсири бор.

— Раҳбарлик қилиш осонмикан, ё!..

— Ҳар бир вазифанинг ҳам ўзига яраша ташвиши бўлади, албатта. Лекин етакчиликнинг машаққати икки баравар кўп. Ҳозир, айниқса, раҳбарларга қийин. Иқтисодий таназзул деган иборани ўзларинг ҳам кўп такрорлаяпсизлар. Бу қийинчиликни тиббиёт ходимлари ҳам ўз бошидан кечиряпти: дори-дармон етишмайди, одамлардаги асабийлик, айниқса касал одамга иложи борича яхши сўз керак. Мана шундай пайтда раҳбардан жуда катта масъулият талаб қилинади. Кейинги пайтда пуллик тиббий хизмат ҳақида ҳам баҳслар бўлаяпти. Етмиш йилдан ортиқ боқиманда бўлган шифо масканларини энди яхшилашимиз керак. Бир нарса, рақобат бўлмаган жойда ўсиш бўлмайди, дейишади. Баъзи бир жойларда пуллик шифохоналар очилса, нимаси ёмон? Энди беморга хизмат кўрсатиш маданиятини юқори даражага етказишимиз зарур. Бизнинг илмгоҳимизда ҳам пуллик хизмат йўлга қўйилган. Ўтган йили августгача 97 минг сўмлик шундай турдаги хизмат қилинган бўлса, ҳозир 130—150 минг сўмлик хизмат кўрсатиляпти. Илмгоҳ ҳамёнига тушган пулнинг маълум бир қисми ходимларимизга берилса, қолгани асбоб-ускуналар сотиб олиш, иш ва даволаниш шароитларини яхшилаш учун сарфланади, албатта.

— Пул ҳақида гап очиб қолдингиз, шифокор фидойи бўлиши керак, деган иборани ҳам биз журналистлар кўп ишлатганмиз.

— Шифокор, албатта ўз касбининг фодийиси бўлиши керак. Ҳамма соҳада ҳам шундай бўлмаса обрў топиш қийин, лекин айниқса, шифокордан бу борада талаб қилинадиган масъулият кучли. Лекин масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Ҳамма нарсадан воз кечиб, одамлар саломатлиги йўлида туну-кун меҳнат қилган шифокор ишдан чарчаб уйига келганда хотини картошкага пул етмаяпти, деб нолиб турса ёки бўлмаса, саккизинчи синфни амал-тақал битириб, сотувчи ёки омбор мудири бўлиб ишлаётган киши ундан ўн баравар яхши яшашини кўриб турса... Бундай шароитда фидойиликнинг ҳам чегараси бўлиши турган гап. Бу билан мен соҳамиз фидойилари йўқ, демоқчи эмасман. Улар кўп, мана шундай қийин шароитда ҳам ўз касбларида садоқат билан ишлашяпти. Энди илм кишиларига, шифокорларга муносабат ўзгариши лозим.

— Фарзандларингиз орасида ота касбига қизиққанлари борми!

— Катта қизим Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳида ўқияпти. Кичиги тиббий ҳамшира, ўғилларим ҳақида бирон нарса деёлмайман. Касбини ўзлари танлагани маъқул. Зўрлаб бирор касбга ўргатгандан ҳеч нарса чиқмайди.

Суҳбатдош
Анвар АБДУВАЛИЕВ,
журналист.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЙЎЛ БЎЙИДА ГЕНЕРАТОРЛАР

● МАЪЛУМКИ, катта йўлларда катта тезлик билан кетаётган машиналарнинг шамоли анча кучли бўладики, йўл четида қуюнлар ҳосил қилиб юборади, ҳатто. Хўш, шу бефойда шамолларни қандай қилиб изга солиш мумкин? Бу савол англиялик Реймонд Ливингнинг анчадан бери бошини қотирарди. Ва ниҳоят йўлини топди. Ток ҳосил қилишда бу шамоллардан ҳам унумли фойдаланса бўлади, дейди Реймонд. Бунинг учун йўл четларига турбогенератор ўрнатиш керак.

Уларнинг баландлиги 2 метрга яқин бўлиб, қанотлари уч метрни ташкил этади. Шамолнинг тезлиги соатига 50 километр бўлганда бу қурилма уч киловатт энергия ишлаб чиқаради

Реймонднинг ҳисоби бўйича, турбогенераторлар ҳар ўн беш метрга ўрнатилиши даркор. Шунда Англиянинг 2000 километрлик катта йўлига 130 минг генератор сиғади (йўлнинг икки чеккасига) Демак, қанча ток ишлаб чиқарилишини ҳисоб-китоб қилиб олаверинг, деб хабар беради Булғориянинг «Орбита» ҳафталиги.

БРАЗИЛИЯДА УЙҚУСИЗЛИК

● БУГУНГИ кунда бразилияликларнинг 60 фоизи уйқусизлик касалидан азият чекишмоқда. Бунга сабаб улар қаҳвага ўта ружу қўйишганидир, дейди яқинда аҳоли ўртасида тадқиқот ўтказган тиббиёт мутахассислари. Маълум бўлишича, одамлар орасида қаҳва сабаб хасталаниш ортиб бормоқда экан.

ШИВЕЛУЧ ЯНА ҲАРАКАТДА

● 22 АПРЕЛЬ — пайшанба куни Москва вақти билан тунги соат учда Камчаткадаги Шивелуч вулқони яна ҳаракатга келди. Вулқон шунчалар кучлики, тошлар — 6 километр, газ эса 20 километр, лава — 2 километр юқорига отилмоқда.

ЯНА БИР СПОРТЧИ СПИДДАН ВАФОТ ЭТДИ

Нью-Йоркдаги касалхоналардан бирида машҳур теннисчи Артур Эш 49 ёшида вафот этди. Бундан бир неча йил муқаддам спортчининг қон таркибида СПИД вируси борлиги аниқланганди (бироқ 1992 йил апрелдагина бу нарса расмий эълон қилинди. Артур Эшнинг ўлимига зотилжам касаллиги сабаб бўлди ва қонида СПИД вируси борлиги учун бу хасталикдан тузалолмади.

Бу қора танли спортчининг юрагини дўхтирлар 1983 йили операция қилишганди. Ўшанда унга қон қуйишганди. Афсуслар бўлсинки, Артур ўша пайт заҳарланган экан.

Артур Эш АҚШ терма командасига қабул қилинган биринчи қора танли теннисчи эди. У Қўшма Штатларда, Австралияда ва Уимблдонда бўлиб ўтган очиқ чемпионатда ғалаба қозониб, амриқоликлар шарафини ҳимоя этган. Бундан ташқари «XX аср ўлати»га қарши курашда ҳам фаол иштирок этиб, махсус фонд ташкил этди.

49 ёшли спортчининг ўлими Қўшма Штатларда катта қайғу уйғотди. Барча мусобақаларда бир дақиқалик сукут сақлаш билан унинг хотираси ёд этилди.

Артур Эш Халқаро Олимпиада қўмитаси қарорига кўра, ўлимидан сўнг Олимпиада ордени билан мукофотланди.

Дарвоқе, сайёрамизда СПИД пайдо бўлгандан буён, яъни 1981 йилдан бери АҚШлик 5 нафар (Артур Эшдан ташқари) машҳур спортчи СПИДдан вафот этган. Булар Амриқо футболининг устаси Жерри Смит, енгил атлетикачи Томас Уоддлл, боксчи Эстебан Дехесус, автопойгачи Тим Ричмонд ва бейсболчи Алан Уиггинс.

ФРАНЦУЗЛАРНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ГУЛНОРА

Ўзбек пианиночи қизи Гулнора Олимованинг ижрочилик маҳоратига нозик дидли французлар офарин айтишди. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси фортепьяно факультети тўртинчи курсининг бу талабаси Эпинал шаҳрида пианиночиларнинг мўътабар халқаро мусобақасида биринчи бор иштирок этди. У дипломга ва томошабинлар муҳаббати совринига сазовор бўлди.

Ўзбек мусиқачилари халқаро майдонга биринчи бор чиқаётганлари йўқ. Бундан аввал Тошкент консерваториясининг ва Успенский номли республика ўрта махсус мусиқа интернат мактабининг талабаларидан А. Султонов, И. Небольсин, С. Юденичлар хорижий тингловчилар қалбини забт этишган эди. Португалиядаги мусиқа танловида олий ўқув юртининг яна бир толиби — Улуғбек Полвонов муваффақият билан қатнашганди. Энди эса Гулнора хориждаги ижрочилик маҳорати тарихига ёрқин саҳифа битди.

Эпиналдаги мусиқачилар мусобақасининг 70 нафар қатнашчиси орасида тажрибали ва машҳур санъаткорлар кўп эди. Атиги олти киши финалга чиқа олди. Улар орасида Гулнора ҳам бор эди.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

ҚОНУН УСТИВОР БЎЛСА...

АДОЛАТЛИ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ШАКЛЛАНАДИ

Мустақил республикамизнинг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан бери бир ярим йилдан ортиқроқ вақт ўтди...

Тарих тажрибасидан шу нарса маълумки, ҳар қандай давлатнинг тараққиёти, у хоҳ иқтисодий бўлсин, хоҳ сиёсий, албатта, туб иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар натижасига асосланади. Худди шунингдек, ҳуқуқий давлат қуриш ва уни бошқариш ҳам жамият ҳаётининг ҳуқуқий барқарорлаштирилишини талаб этади. Чунки, давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ эса давлатсиз ҳеч қачон ўз вазифасини уддалай олган эмас.

Кейинги бир йиллик давр мобайнида республикамиз Президенти, Олий Кенгаш ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан мустақил давлатимизнинг хусусиятларини, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, миллий ва маданий анъаналарини эътиборга олган, жамият ва юрт манфаатига мос бўлиб тушадиган ўнлаб фармонлар, қонун ва қарорлар қабул қилинди. Халқ фаровонлигини кўзлаш — республикамиз раҳбариятининг энг асосий мақсади бўлиб турибди. Республикамизни халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳоннинг 140 мамлакати томонидан тан олиниши жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқшунослар тили билан айтганда мана шу танилиш «де юрье» сифатида, Конституцион асосда тан олиш дейилади.

Республикамиз Президенти ташаббуси билан Марказий Осиё Давлатлари Ҳамдўстлигининг вужудга келиши, Хельсинки ва Женевадаги нуфузли расмий учрашувлар, жаҳондаги бир нечта ривожланган хорижий мамлакатларга уюштирилган дўстона сафарлар ҳамда имзоланган қатор шартнома ва битимлар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборининг ортиши учун хизмат қилди ва қилмоқда. Республикамиз раҳбарияти қайси мамлакатга ташриф буюрмасин, улардан ёрдам сўраб ўтирмасдан, балки ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорликка чорлаб, ўзаро манфаатли битимларни имзолашга эришаяпти. Айниқса, ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларимиз жуда тез ривожланиб бораяпти. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта жамғармаси, реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро Ассоциацияси, Халқаро Молия Корпорацияси ва кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи Агентликларига аъзолигини тасдиқловчи Жаҳон банкининг доимий ваколатхонаси иш бошлади. Жаҳондаги йигирма тўртта тараққий этган мамлакатлар аъзо бўлган Оврупо тараққиёт ва ҳамкорлик қўмитаси сафида бугун мустақил Ўзбекистон ҳам бор. Олтмишдан зиёд давлатлар билан элчихоналар даражасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши, республикамиз ҳукумати ҳузурида 32 мамлакат ваколатхоналарининг қайд этилиши ҳам Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлини танлаб олганлигидан далолат беради.

Яқинда қабул қилинган мустақил республикамизнинг Асосий Қонуни жамиятимиз ҳаётидаги энг катта воқеалардан бири бўлди. Уни кўздан кечирарканcиз, Қонуннинг ҳар бир банди инсонпарварлик ғоялари, сиёсий, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг ўзига хослиги ҳамда туб анъана ва одатларимиз замирига қурилганлигининг гувоҳи бўласиз. Республикамиз Конституцияси давлатимиз иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлининг сиёсий-ҳуқуқий негизларини белгилаб бериш билан биргаликда Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари ўртасидаги мавқеини оширди дейиш учун асосларимиз етарли. Қабул қилинган Асосий Қонунимизнинг бош мақсади «...халқ иродаси — инсон манфаатини кўзлаш, унинг моддий ва маънавий талабларини тўла қондириб бориш, айниқса, шахслар ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчларини амалга ошириш кафолатини яратиш ҳамда уни муҳофаза этишдан иборат».

Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини, дейилади Конституциямизда, хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этади. Бу деган сўз ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Ҳар бир мулкдор ўз мулкидан Қонунларда, низом ва кўрсатмаларда белгилаб қўйилган ваколатлари асосида фойдаланар экан, улар, аввало бошқа шахслар ва давлатнинг манфаатларига зид, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган ҳоллардан холи бўлиши талаб этилади. Бошқа мулк шакллари каби хусусий мулкнинг даҳлсизлиги ва давлат томонидан ҳимояланиши Ўзбекистонда қонун йўли билан кафолатлаб қўйилган. Бундай кафолат бозор иқтисодиётининг ривожланишига ва ҳуқуқий муносабатларнинг ойдинлашишига замин яратади.

Асосий Қонунда белгилаб қўйилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлар республикамизда яшаётган барча фуқароларнинг фаровон ва осойишта яшашига хизмат қилади. Бекиёс ва жуда катта хом ашё ҳамда табиий ресурсларга эга бўлган мамлакатимизни тез орада жаҳоннинг тараққий этган давлатлари орасидан ўрин олиши учун ҳаммамиз ва ҳар биримиз ҳуқуқий билимдон, амалдаги қонунларни ҳурмат қиладиган ва унинг бажарилишига ҳисса қўша оладиган даражада ватанпарвар бўлишимиз лозим. Чунки, инсон эркинлигининг асоси ҳуқуқий билимлар замирида ётади. Қаердаки қонун устивор экан, ўша жойда адолат қарор топади. Адолат ҳукмрон бўлган мамлакатдагина ҳуқуқий, демократик давлат шаклланади. Бунга ўтмиш тажрибаси гувоҳлик бериб турибди.

Умуман, келажаги буюк давлатимиз Конституциясининг илгариги Конституциялардан юксаклиги шундаки, уни ишлаб чиқишликда жаҳон мамлакатлари, айниқса, Осиё, Оврупо ва Амриқодаги энг илғор давлатларнинг тажрибасидан ва умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалардан ҳамда Республикамиз томонидан охирги йиллардаги қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ютуқларидан юқори даражада фойдаланганлиги яққол кўриниб турибди.

Янги Конституцияни мутолаа қилар эканмиз, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қалбида бу Конституциянинг энг демократик характерда эканлигини, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг қонунларини, ҳуқуқий маданиятниг ютуқларини, ўзбек оламининг ўзига хослигини, бошқариладиган бозор муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ўзига хос хусусиятларини ва мустақил Ўзбекистон давлатининг танлаган ўзига хос «Ўзбекистон модели» йўналишларининг ҳуқуқий асосларини тўлиқ яратган ва кафолатлаб берган, деб тан оласиз.

Орал ЭРНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти.

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Андижон вилояти Қорасув шаҳри билан Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳри ва Қорасув туманининг меҳнат жамоалари, ижодкор зиёлилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар ташкилотлари вакилларининг учрашуви бўлди. Учрашув Қорасув ҳокимиятининг ташаббуси билан уюштирилди. Икки мустақил қўшни республика халқлари ўртасидаги қадимий дўстликни тиклаш ва мустаҳкамлаш ҳақида, ёшларни дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида тарбиялаш тўғрисида қизғин суҳбат бўлди.

— Ота-боболаримиз васият қилган, шоирлар ва оқинлар мадҳ этган дўстлигимизни бузмоқчи бўлган кимсаларга лаънат айтиш учун бу ерга йиғилдик,— деди Қорасув ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби М. Шерматов.

Учрашув қатнашчилари мана шундай гурунгларни мунтазам ўтказиб туриш ҳақида, халқ хўжалиги тармоқларининг делегацияларини бир-бирларига юбориб туриш тўғрисида, қўшни вилоятларнинг маданият ва спорт соҳасидаги алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақида келишиб олдилар.

(ЎзА мухбири).

Муштарак маданиятлар мулоқоти

Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги анъанавий ва янгича муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янги босқичга киришди. Ўтган ҳафта чоршанба куни иш бошлаган Эрон маданияти кўргазмаси саккиз кун давомида пойтахтликларни ва меҳмонларни Республика санъат намуналари кўргазмаси Марказига жалб этди. Маърифат марказига ташриф буюрган турли касб эгалари Эрон Ислом республикаси билан Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг янгича сиёсий-иқтисодий алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи альбомлар, мамлакатнинг қадимий шаҳарлари тарихидан сўзловчи мажмуалар, матбаа, наққошлик, кандакорлик, зарбофлик зардўзлик ва гиламдўзлик санъати намуналари билан танишдилар.

Ислом тарихи, тасаввуф таълимоти, Эрон халқлари ҳаётига оид нодир қўлёзмалар нашри, миллий миниатюра ва айниқса, болалар адабиёти нашрлари томошачиларда катта қизиқиш уйғотди.

Намойишга ташриф буюрганлар ҳар куни ярим соат созанда ва хонандалардан Эрон куйлари ва қўшиқлари тинглаш бахтига сазовор бўлди.

Эрон маданияти кўргазмаси ёпилиши олдидан кўргазмани ташкил этувчи ишчи гуруҳ раҳбари Асъад Ажамий билан суҳбатлашдик:

— Халқимиз Марказий Осиё давлатларининг сиёсий, иқтисодий мустақилликка эришганини эшитиб, беҳад қувонди. Биз бу шаҳарда, авал ташриф буюрган олдинги шаҳарларда кўрмаган чинакам муштараклик ва эътирофни ҳис этдик, — деди у.

(Ўз мухбиримиз).

Атроф-муҳит мусаффолиги учун

Кейинги йилларда республикамизда экология муаммоларига жиддий эътибор билан қаралмоқда. Атмосфера ҳавонинг ифлосланишига транспорт воситалари кўпроқ ҳисса қўшишлари янгилик эмас. Буни ҳаммамиз биламиз. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги ҳам шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда Республика ДАН Бошқармаси қошида Экология муаммолари бўлимини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Табиат инсонни яратди.

Бу бежиз эмасди. Чунки кейинги пайтда атмосфера ҳавоси транспорт воситалари, завод ва фабрикаларнинг чиқинди газ, заҳарли моддалари ва бошқа манбалардан ифлосланиб бормоқда. Айниқса, транспорт соҳасининг ривожланиши, шаҳар ва аҳоли зич яшайдиган жойларда автомобиллар сонининг ортиб бориши ҳавода кўплаб кислородни йўқ қилмоқда. Ҳаво ифлосланишининг 70—80 фоизи автомобиль чиқинди газларининг ҳисобига бўлмоқда. Бу эса мана шу соҳага эътиборни кучайтириш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки ҳозирги кунда республикамизда 2 миллиондан ортиқ автомототранспорт воситалари бор.. Бу уларга эгалик қилаётган автохўжаликлар, ташкилот, корхона, муассаса ва шахслар томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонун ва қоидаларининг бажарилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш ҳаётий зарурат эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан транспорт воситаларининг атроф-муҳитга таъсирини назорат қилишни кучайтириш ва 1992 йил 9 декабрда чиқарилган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш самарадорлигини кучайтириш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда гапирар эканмиз ўтган 1992 йилда ДАН идоралари томонидан 2370 та автохўжаликдаги 335 минг автомобиль текшириб чиқилганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Бу текширувлар давомида чиқараётган газ миқдори белгиланган меъёрдан юқори бўлган 58 мингдан зиёд транспорт воситалари аниқланиб, 347 та мансабдор шахс ва 19502 ҳайдовчи маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш ва доимий назоратни таъминлаш мақсадида ташкилий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, ДАН бошқармасининг ташаббуси билан унинг таркибида экология муаммолари бўлими ташкил этилди. Албатта бу нарса жойларда ДАН идораларининг ишини такомиллаштириш, экология соҳасини ривожлантиришга ўз ижобий самарасини кўрсатади. Иш фаолиятимиз ҳақида гапирар эканмиз яна бир янгилик ҳақида айтиб ўтиш керак деб ўйлайман. Автомобилларнинг двигателидан чиқаётган заҳарли газ ва тутун миқдорини доимий назорат қилиб бориш мақсадида текширув ва созлов жараёнида автомобилларга бериладиган экологик талон жорий этилди. 1993 йилдан бошлаб транспорт воситаларининг техник кўриги улар экологик жиҳатдан соз деб топилиб, экологик талон олганидан кейин ДАН бўлимларидан томонидан ўтказилиши тартиби йўлга қўйилди. Ўйлаймизки, кўрилган бу тадбир ўз ижобий самарасини беради.

Албатта, транспорт воситаларининг атмосфера ҳавосига кўрсатаётган таъсири уларда ишлатилинаётган ёнилғи сифати билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги кунда автомобиллар чиқараётган заҳарли газ ва тутун миқдори меъёр талабидан ошиб кетиши ва двигатель ҳамда ёнилғи жиҳозларининг ишдан чиқишига асосий сабаб сифатсиз ёнилғидир. Мана шу сабабли ҳам биз нефть маҳсулотлари давлат қўмитаси ва давлат стандарти идораларининг ҳамкорлигида автохўжаликларга қарашли ва умумий ёнилғи тарқатиш шаҳобчаларида назорат олиб бориш чора ва тадбирларини белгиламоқдамиз. Бу борада аниқланган камчилик бўйича айбдор шахслар қаттиқ жазога тортиладилар. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 9 декабрда қабул қилган қарорида маъмурий кодекснинг 130, 141, 174-моддаси бўйича қоидабузарларга маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқини Ички ишлар ва ДАН идораларига берди.

Тўғри, гап жаримада эмас, муҳими инсон саломатлиги, келажак авлод равнақига яна бир амалий эътибор қилинди. Йўқотилган саломатлик, табиатнинг бебаҳо бойликларини ҳеч қандай пул билан ўлчаб бўлмайди. Масалага мана шу нуқтаи назардан ёндошмоқ керак. Буни ҳар бир онгли инсон ўйлаб кўриши, юқорида таъкидлаганимиздек табиатни асраш ишига ўз улушини қўшиши керак.

Тўра ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ДАН бошқармаси бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БЎЛМАГАН ҚИЗЛАР

Яқинда Қарши Давлат педагогика университети спорт саройида янги секция очилди. Қизиғи шундаки, бу секцияда қизлар каратэ билан шуғулланишади. Бу ерда ўттиздан ортиқ спортнинг мазкур турига қизиққан қизлар шуғулланмоқдалар. Республикамизнинг турли бурчакларидан ўқишга келган қизлар эндиликда ҳимояга муҳтож эмаслар. Тез кунларда бу ерда яна бир гуруҳ қизиққан талабалар машғулотларни бошлашади.

СУРАТДА: тренер Баҳодир МУСУЛМОНОВ каратэ усулларини кўрсатмоқда.

Ш. ШАРОПОВ сурати.

Фанимизнинг улуғ сиймолари

Тоғ тоғ билан учрашмайди

Омонулла Файзуллаев. (О. Ф.): Ўрозбой Назаров билан қўшни туришар эди. У кишига Назаровнинг онаси айтибди: кеча академик А. Н. Тихонов тасодифан Тошкентга келиб қолган экан, тўппа-тўғри бизникига келди-да, Коля қани, деб қолди. Нима дейишни билмай қолдим. Иккаламиз роса йиғладик. Сўнгра у айтди: Колянинг илмий ишларини давом эттиришга ёрдам берамиз, унинг аспиранти Л. Хўжаев менга борсин, Колянинг илмий ғоясини охиригача етказамиз.

Тошмуҳаммад Саримсоқов. (Т. Ф.): Ҳа, кейин А. Н. Тихонов менинг олдимга борди. Хусусий суҳбатимизда Назаровнинг илмий ишларига юксак баҳо берганди.

О. Ф.: Ўша А. Тихонов куёвимиз, Атия Ўрозбоеванинг эри Александр Самарскийга устозлик қилганлиги, Тихонов билан Самарский СССР ФА академиги, Меҳнат Қаҳрамони эканлиги маълум. Лекин М. Т. Ўрозбоевнинг 85 йиллик юбилейига Тошкентга атайлабдан келганида Сиз билан шундай иссиқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашганида мен анграйиб қолдим, ҳавасим келди.

Т. С.: Александр Александровичнинг асосий илмий ишлари математик физика тенгламаларига, информатика назариясига қаратилган. Шу билан бирга у билан бўлган ҳар бир суҳбатимиз қизиқ ўтади.

О. Ф.: Икки одам бир хилда зўр олим бўлса ҳам, характери ҳар хил бўлиши мумкин экан. Мисол тариқасида Н. Назаров билан И. С. Аржанихни келтирмоқчиман. Илмий кенгашларда Иван Семенович фаол эди, Николай Николаевич жуда кам гапирар эди. Яна бир нарса эсимга тушди, 1938 йили В. И. Романовский бошлиқ Тошкент шаҳар математиклари семинарида Индустриал институтнинг бир доценти математикадан қандай қилиб кириш имтиҳонини ўтказиш керак, деган мавзуда доклад қилди. Кўпчилик гапирди, ундоқ деди, бундоқ деди. Романовский жим ўтирган Назаровга мурожаат қилиб, сиз нима дейсиз, девди, Назаров, математикани биладиган ўқувчиларни қабул қилиш керак, вассалом деди. Залда жонланиш пайдо бўлди. Ўшанда шунга ўхшаш жавоб эсимга тушган эди. Берлин университетининг илмий кенгашида дарс жадвалида кўпроқ соатни тилга бериш керакми ёки математикагами, масаласи кўрилаётганда кўпчилик тилга дейишиб чиқишибди. Ректор, Сиз профессор Гильберт, нима дейсиз, деган саволга бундай жавоб бўлибди: математика ҳам тилдир.

В. Г. Захаров сизга ҳам, бизга ҳам аналитик геометриядан дарс берган. Кўзойнакли, бўйи пастроқ, товуши хириллаброқ чиқадиган бу домламиз ажойиб бир дарсликнинг муаллифи эди. Лекин, бошқа муаллифлар китобларини тавсия этардию, ўзиники ҳақида индамас эди. Озроқ жаҳлдор, қўлидаги ҳассаси тақ-туқ қилиб турар эди.

Т. С.: Захаров покиза, батартиб, ўз ишига пухта ва оғир вазмин эди. Бизга аналитик ва дифференциал геометрия курсидан лекция ўқирди. Қозон университетининг яхши меросини эгаллаган ажойиб одам эди. У Қори-Ниёзийни ҳам ўқитган. Унинг охирги кунлари эсимда. В. Захаров зотилжам билан оғриб, хастахонада ётганмиш, деб эшитдик. Собиқ курсдошим билан хастахонага домлани йўқлаб бордик. Шунда домла, умримда биринчи бор хасталанишим деди. Таассуфки, бу домланинг биринчи ва сўнгги хасталиги экан. Анча ёшга бориб қолган устоз орадан бир неча кун ўтгач, касалхонада вафот этди.

Физматда яхши, мантиқий гапирадиган ва қизиқарли дарс берадиганлардан бири Қори-Ниёзий эди. У кўп жиҳатдан биринчи: биринчи фан доктори, Фанлар академиясининг биринчи президенти ва ҳоказо. Математика соҳасидаги китобларнинг биринчи муаллифи. Қори-Ниёзий бутун онгли умрини илмга бағишлади. Улуғбек илмий меросини ўрганди. «Улуғбек ва унинг илмий мероси» («Астрономическая школа Улугбека») асари (у китоб, Сиз, Омонулла, таржимангизда нашр этилган) учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ярим аср давомида ёзган китоблари ва мақолаларини жам қилиб 8 томлик танланган асарларини тамом қилиб, нашр этиб оламдан ўтдилар. Бундай қилиш ҳамма олимларга мушарраф бўлавермайди.

О. Ф.: Ўша вақтда Қори-Ниёзий ва Сиздан бошқа Мажид Қодирий, Маҳкам Камолов, Анвар Исломов, Акбархўжаев, Жамол Каримов ўзбек математикларининг 30-йиллар авлодини ташкил қилишган.

(Боши ўтган сонда).

1934 йили ВАК янгидан ташкил топганидан сўнг Романовскийга физика-математика фанлари доктори, Қори-Ниёзийга, Назаров ва Я. П. Цукерваникка физика-математика фанлари номзоди ҳимоясиз берилди. Биринчи бўлиб ёқлаганлар Сиз ва Қори-Ниёзий бўлди. Сиз 1938 йили физика-математика фанлари номзоди, Қори-Ниёзий 1939 йили физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилдинглар. Иккала ҳимояда ҳам мен бор эдим. Эсимда қолган, Сиз номзод бўлганингиздан кейин эртасига сочингизни олдириб, дўппи кийиб келдингиз лекцияга. Қори-Ниёзийнинг докторлик диссертациясига уч киши оппонент бўлган эди; физика-математика фанлари доктори Романовский, ўзбек тили профессори Боровков ва физика-математика фанлари номзоди Саримсоқов. Ҳимоя Т. Шевченко кўчасидаги химфакнинг катта залида бўлди. Зал тўла. Сиз 5 минут кечикиб келдингиз. Сиз расмий оппонентлар ижобий баҳо бердингизлар. Яна эсимда қолгани, кимёгар профессор Усанович ҳам яхши гапирди. (Ўша вақтда САГУ да докторлик диссертациясини қабул қиладиган Илмий кенгаш битта эди, аъзолари фаннинг ҳар хил соҳаларидан эди. Ундан 20 йил кейин ҳам шундай эди, масалан, М. Ф. Шульгин ўша кенгашда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган). Гап ўша кенгашда докторлик диссертациясига фан номзодининг оппонент бўлиши тарихий мазмунга ҳам эга бўлса керак. Сиз қандай қарайсиз? Яна тақдирни қаранг, Қори-Ниёзийнинг 70 йиллик юбилейида (1967 йил) у кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги доклад қилиш Сизга мансуб бўлди.

Т. С.: Мен буни ўзимга шараф деб биламан. Қори-Ниёзий билан физматдан ташқари Академияда (таъсис этилганидан бошлаб) у кишининг вафотигача бирга ишладик. Бошланишда у киши президент, мен — вице президент бўлдим, кейин Академиянинг президиумида. У кишининг доно суҳбатларидан кўп баҳраманд бўлганман.

О. Ф.: 1939 йил февраль ойида САГУ студентларининг илмий конференциясида Улуғбек астрономиясидан доклад қилганимдан кейин, (Сиз декан муовини эдингиз) мени Ленинград университети математика-механика факультетининг астрономия бўлимига юбориш мақсадида ректор Муравейскийни олдига олиб бордингиз ва тегишли қоғозга қўл қўйдирдингиз. Ўша саъй-ҳаракатларингизни миннатдорчилик билан эслайман, лекин у ердан жавоб келмади. Буни қарангки, ўшанга мана 55 йил бўлибди, ҳануз астрономиядан биттаям докторимиз йўқ. Сизнинг ғоянгиз амалга ошмай қолди, шекилли?

Т. С.: Соҳалар олдинма-кетин ривожланаверади. Ҳозир истеъдодли ёшларимиз етишиб чиқишяпти. Наздимда астрофизика олға кетса керак. Бу соҳадаги муҳим вазифаларимиздан бири Улуғбекнинг 600 йиллигига пухта тайёрланиш — мустақил республикамиз обрўсини оширишда дадил воситалардандир.

О. Ф.: Бизга дарс бериб юриб бирдан кўринмай қолдингиз. Эшитсак, Москвага бир семестрга ўқишга кетибсиз. Менда дарров икки фикр туғилди: 1) ийе, доцентлар ҳам ўқишга борар экан-у, 2) демак, шу муддат ичида янги бир иш қилиб келар экан-да. Қайтдингиз, яна декан ўринбосарилик вазифангизни давом эттирдингиз. Эсимда қолгани, 91-аудиторияга бир-икки курс студентлари кириши керак экан (умумий лекциями, мажлисми, эсимда йўқ), талабалар сиғишмай қолди. Сиз бир амаллаб жойлашинглар, масалан, биз МГУ даги бир кичик аудиторияда академик П. С. Александров лекциясини эшитиб, ёзиб олиш учун бир-биримизнинг тиззамизда ўтирдик, деганингиз шундоқ эсимда.

Т. С.: Ҳа, мен малака ошириш учун борган эдим. МГУнинг механика-математика факультети домлаларидан А. Н. Колмогоров, А. Я. Хинчин, Н. Н. Лузинларнинг дарсларидан сабоқ олдим. Хусусан, П. С. Александровнинг умумий топология курсидан ўқиган қатор лекцияларини эшитишга муяссар бўлганман. Ҳақиқатан, унинг курси мажбурий бўлмаса-да, бу янги фандан баҳраманд бўлувчи хоҳлаганлар кўп эди. Йигирма йиллар ўтганидан кейин биз бир-биримизга нисбатан жудаям меҳрибон ва сероқибат бўлиб қолдик.

О. Ф.: Назаримда етакчи олимларнинг шижоатлилари кўп бўлганку, Ўрозбоевни алоҳида кўрсатиш мумкиндир, эҳтимол. У киши бизга эластиклик назариясидан дарс берганларида Сиз декан ўринбосари эдингиз. Ундан йигирма йил кейин, Сиз Сирожиддинов билан шахмат ўйнагани у кишиникига келганларингизга гувоҳман. У кишига «мавлоно» деб ном берган ҳам ўзингиз эди. У киши Сизни гоҳо «домла» деб чақирар эдилар.

Т. С.: Биз Ўрозбоев билан авваллари шунчаки таниш-билиш эдик. Лекин, урушдан сўнг таниш-билишлигимиз жуда яқин ва самимий дўстликка айланиб, бу қадрдонлик унинг вафотига қадар (1971 йилгача) узилмади. Урушдан олдин биз Ўрозбоев билан университетда оврупоча рақс санъатини ўргана бошлагандик. У жуда юксак ва кенг миқёсда ақл-заковатли олим эди. Бир пайтлар Республика фан ва техника давлат қўмитасига раислик қилди.

О. Ф.: Ўша вақтда мени шу қўмита қошидаги Илмий-техника информацияси институтининг директори қилиб тайинлаган эдилар. Институт ташкил қилган «Механизация хлопководства», «Хлопковая промышленность», «Шёлк», «Янги техника» журналлари ҳануз нашр этиб келинмоқда. Бу ишда у киши кўп жонбозлик кўрсатган эдилар.

Т. С.: Бу ажойиб журналларнинг яратилишидан хабарим бор. Ўша вақтда мен Олий ва ўрта махсус таълим давлат қўмитасининг раиси, кейинчалик министри эдим.

О. Ф.: Эсимда бор, Сиз у кишининг Тошкент политехника институти директорлигига тавсия этгансиз ва у кишини институт жамоасига таништиргансиз.

Т. С.: Мазкур олий ўқув юртида ректор бўлиб ишларкан, М. Т. Ўрозбоев ўзининг бутун олимлик ва раҳбарлик истеъдодини ишга солиб, институтни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, равнақ топтириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилди ва оқибатда мазкур институт нафақат республикада, балки Иттифоқ миқёсида илғор олий ўқув юртларидан бири бўлиб қолди. У фақатгина ажойиб ташкилотчи ва унинг сербарака ташаббускори, арбобигина бўлиб қолмай, шунингдек, у самимий, бағри кенг, хушфеъл инсон, меҳмоннавоз одам эди. Дўстлар даврасида хушчақчақ ва сўзамол бўлиб, у қатнашган даврадан хушвақтлик аримас эди. Айтишларича, у табиатан серзарда бўлиб, жиғига текканни жойида боплаб таъзирини берган. 1966 йилда, унинг 60 йиллик юбилейида сўзга чиқиб, унинг табиатини ўйнаб оқувчи, шўх тоғдарёсига таққослагандим. Айниқса, ёз ойларида ўйнаб оққан жўшқин тоғ дарёсининг қирғоғида ўтирган киши тўлқин мавжларидан сачраган сув томчилари таъсирида сесканиб, қалбида ажиб кайфиятлар қўзғатишни алоҳида таъкидлаб, олим билан бўлган мулоқот кишида шундай туйғулар қўзғатиши ҳақида сўзлаганимда залдагилар мени қизғин маъқуллашганди.

О. Ф.: Ўшанда чапак чалганлардан бири мен эдим. Гап шундаки, М. Т. Ўрозбоев, сиз айтгандай хушфеъл ва серзарда, вазмин ва жаҳлдор, умуман оқил ва адолат учун курашда ҳозиржавоб эканлигини ҳамма билардику, лекин сиз уни «тоғ дарёси»га ўхшатишингиз — худди мерган ўз нуқтасига урганде к бўлди. У кишининг устозлари академик Лейбензон ҳам шунга яқин баҳони берган.

(Давоми бор).

Сиз ёқтирган санъаткор

«ФАРҒОНАДА БИТТАГИНА»



— Абдулҳай ака ўзингиздан қолар гап йўқ, қўшиқ мухлислари ном чиқарган ҳофизларнинг исм-шарифларини ҳечам жуфт айтишмайди. Муҳр, Охун, Ғиёс, Абдурауф... Бундоқ қараганда кишига са-а-ал тўмтоқроқ бўлиб туюлган бундай атамалар ўша ҳофизни азбаройи яхши кўрганликлариданмикан деб ўйлаб қоласан одам.

— Тўппа-тўғри айтасиз.

— Сизниям шунақа дейишларини биласизми? «Абдулҳай», гоҳида «Фарғонада биттагина»...

— Ҳа, шунақа дейишади. Баъзида таниб-танимасдан туриб ўзимга ҳам шундай деб қўйишади. Хафа бўлмайман. «Фарғонада биттагина» Анвар ака Обиджоновнинг қаламига мансуб. Кўпчилик у кишини юморга ўч ижодкор сифатида таниса ҳам, аслида муштдек юрагига улкан дардларни сиғдириб яшаётган сабр-тоқатли, жафокаш одам. Шеърга ўзимиз куй басталаганмиз. Авалига ойнаи жаҳон учун ёздирдик, кейинроқ эса катта-кичик давраларда ижро этишни бошладик. Қўшиқ мухлисларини топди шекилли, ўзимнинг асл исмим қолиб, «Фарғонада биттагина» дейишяпти.

— Гапнинг очиғиям шу ўзи. Қўшиқ жа зўр кетди-да!

— Нокамтарлик қиляпти десангиз ҳам майли, уни ўзим ҳам маза қилиб айтаман.

— Сиз кейинги пайтларда илгари ижро этган қўшиқларингизга қайтадан жон бағишлаяпсиз. Дейлик, «Сен қайдаю мен қайдаман» деган қўшиғингизнинг мусиқасига озгина жило бериб, уни яна мухлисларингизга қайтардингиз. Буни қандай тушуниш мумкин? Илгариги ижродан қониқмасликми ёки...

— Замонлар ўзгариб кетди, биродар. Кечаги тингловчини бугунгиси билан солиштириб овора бўласиз, холос. Мухлислар орасида шунақанги нозиктаъб, синчков, инжиқлари борки, улар унча-мунча ҳофизни бир эшитишдаёқ тафтиш қилади-қўяди. Ижро услуби қанақа, ўзиникими ё тақлидми, созандаларнинг диди қандай, қўшиқнинг маромига етиши учун ким кўпроқ жон койитаяпти, матн кимники... Эҳе!.. Шу боис ҳам илгари ижро этган қўшиқларимнинг орасидан тингловчиларга қайтарса бўладиганини бир карра ғалвирдан ўтказиб чиқишни лозим кўрдим. Менинг табиатим ўзи шунақа: кеча ижро этган қўшиқларимдан эртаси куни ўзим қониқмайман.

— Қўшиқ учун матнларни...

— Ҳеч кимдан сўраб олмайман. Ўзим қидириб топаман. Ҳеч қачон «буюртма» бўйича қўшиқ айтган эмасман. Бундан хурсандман, ҳатто фахрланаман. Қолаверса, шоирлар орасида яқин оғайниларим, дўстларим кўп. Анвар Обиджон, Усмон Азимов, Мирзо Кенжабоев каби ўнлаб қаламкашлар билан бир соатгина ширин суҳбат қуришнинг ўзи мен учун қўшиқ, илҳом.

— Рафиқангизни ҳам шоира деб эшитувдик.

— Ҳа, Марҳабохоннинг «Муҳаббатнинг минг бир сифоти» илк шеърий тўплами мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди. Унинг қаламига мансуб ўнлаб шеърларга куй басталаб, қўшиқ қилиб айтаяпмиз. «Тўй бола», «Йигитлар», «Кетаман», «Усмаларинг қани?»... Хуллас, Марҳабодаги миллий анъана ва урф-одатларга бўлган чуқур ҳурмат, унинг асносида туғилган шеърларни ҳам севиб мутолаа қиламан, ҳам берилиб куйлайман. «Номусидай асраб юрар қизларини, ўзбекман деб юрган бўлса йигитлар»ни ҳар гал куйлаётганимда мени тинглаб ўтирган йигитларни кузатаман. Буни ҳозир Сизга тушунтириб беролмасам керак...

— Миллийликка нима етсин! Ҳамма нарсанинг «оригинали» яхши-да. Бир тасаввур қилинг-а, суннат тўйи қилинаётган беш ёшли болакай. Бошида яп-янги марғилон дўпписи, белида белбоғ. Эгнида беқасам тўн. Жажжи қўлларида дадасининг жўралари тутқазиб қўйган бир даста пул. Болакай ўртоқларини нишолдага тўйдиради...

— Одамнинг завқи келади рости. Болалик яхши-да. Ўша тўйболакайга қўшилиб, ўйинга тушишга ҳам тайёрсан:

Тол хивчдан милтиқ
қилар, от қилар,
Дадасини ёмон десанг
дод қилар.
Сергапликда кампирларни
мот қилар —
Тойчоқ бўлиб чопиб
юрган тўй бола,
Ширин бола, шакар
бола... Эҳ!..

— Абдулҳай ака, Тошкентдан нега кетиб қолдингиз?

—... Асли фарғоналикман, буни биласиз. Фарғонанинг ҳам жаннатга алишмайдиган Қувасида ўсиб улғайганман. Қишлоқдан чиқиб кетганимгаям ўн беш йил бўп қопти. Бу давр ичида Тошкент Давлат Консерваториясини тугатиб олдим. Озми-кўпми эл танидим, ёр-биродарлар орттирдим. Бола-чақали бўлдик. Розиман ўтказган йилларимдан. Энди рўзғор ташвишлари ҳамма нарсадан кўра муҳимроқ бўлиб қолди шекилли.

— Янгисидан қачон эшитамиз энди, ака?

— Истасангиз ҳозироқ айтиб бераман...

У айтганини қилди. Ёлғиз хона. Икковимиз. Ҳофиз ўн беш йиллик қадрдон созини қўлига олди. Соз сайради аввалига. Кейинроқ эса... Ҳали кўпчилик эшитиб улгурмаган янги қўшиқ ҳар доимгидек таниш ва ёқимли овоз қатларида қуйилиб кела бошлайди. Абдулҳай Каримовнинг табиатан беғубор ва самимий инсон эканлиги унинг қўшиқларида ҳам сезилиб турарди.

Ундан бошқа ҳеч нарсани сўрамадим. Шундоқ овози бор ҳофизни ҳалитдан бери бўлмағур саволлар билан вақтини олиб ўтирибман-а! У куйлагани келган экан ёруғ жаҳонга...

Рустам БОИ МУҲАММАД гурунглашди.

Газета саҳифаланаётганда:

Янги фильм Германияга боради

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин, турмушнинг барча соҳаларида жадал рўй берган ўзгаришлар «Ўзбекистон: янгиланиш йўли» фильмида ифодасини топди. Бу фильм республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинган. Фильмнинг режиссёри — Д. САЛИМОВ.

Ҳужжатли киночиларнинг мазкур асари мустақил демократик давлат барпо этиш борасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида баён этилган беш асосий принцип қандай амалга оширилаётганини тасвирлайди. Фильм республика ташқи ва ички сиёсати концепциясининг асосий қоидаларини таърифлайди.

Фильм ҳозирги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини, халқаро майдонга дадил чиқиб бораётганини, республикада азалий урф-одатлар, анъаналар қайта тикланаётганини тасвирлайди.

Ўзбекистон телевидениесида «Ўзбекистон: янгиланиш йўли» фильми илк бор кўрсатилди. Фильм ижодкорлари уни кенг экранда ҳам намойиш этиш ниятидадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ГФР-га расмий ташрифи арафасида бирлашган Германия аҳолисини шу фильм билан таништириш мўлжалланмоқда.

(ЎзА мухбири).

Келгуси сонда:

- **БРЕЖНЕВ КЎРГАН ФУТБОЛ**
- **МУДҲИШ ДАВРЛАР ҲАҚИҚАТИ**

Нафс қурбонлари

Жумҳуриятимиз Президентининг ташаббуси билан ҳамма ерда уюшган жиноятчиликка қарши кураш қизғин олиб борилмоқда. Қонунни менсимайдиган, халқ манфаатидан шахсий манфаатини устун қўядиганларнинг танобини тортиш, уларнинг пайини қирқиш қизғин тусга кирди.

Биз қуйида сизни юрт ҳисобига бойишни кўзлаганларнинг айримлари билан таништириб ўтмоқчимиз. Ўйлаймизки, бундан кўпчилик тегишли хулоса чиқариб олади.

«ТИНИБ-ТИНЧИМАС» КИШИЛАР

Ҳозирги бозор иқтисодиёти қийинчиликлари ҳеч кимни четлаб ўтгани йўқ. Айниқса, собиқ СССР даврида тайёрига ўрганиб қолган корхоналар бу силсиланинг талабларига жавоб беролмай тақатуқ ишни тўхтатишди.

Тўғри, юзага келган қийинчилик, муаммоларни корхона раҳбарлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб бартараф этишга ҳаракат қилишмоқда. Лекин баъзилар ишбилармонлик қиламан, деб мавжуд қонунларни бузишмоқда. Қонунсизлик эса ҳеч бир вақт яхшиликка олиб келмаган.

Самарқанднинг довруғи етти иқлимга машҳур. Қадимий ва тарихий шаҳарни зиёрат қилгани дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келишади, Самарқанд жаҳон ишбилармонларининг ҳам диққат эътиборини қозонмоқда.

Бир пайтлари давлат қопламасидан боши чиқмайдиган Самарқанд музлатгич ишлаб чиқариш корхонаси ўз ишини тубдан яхшилаб, меҳнатда эришаётган ютуқлари кишини қувонтиради. Ҳозир корхона маҳсулотига талаб катта. Қиммат бўлса ҳам яқин-яқингача халқимизнинг кунига яраб турган музлатгичлар корхонанинг «Сино» акционерлик (ҳиссадорлик) жамиятига айланганидан сўнг дўкон юзини кўрмай қолди. Уни излаб қанчадан-қанча одамлар қимматли вақтларини йўқотишмоқда. Афсус...

Тошкент вилоятида «КамАЗ—5410» русумли давлат белгилари 54—65 ТНН, 11—77 ТНМ машиналари тўхтатилганида, Тошкент шаҳридаги «Лаҳор» қўшма корхонасидаги «ҳотамтой»лар рўзғорбоп «Сино» музлатгичларидан 65 тасини Қозоғистонга «экспорт» қилишмоқчи экан. 2 миллион 100 минг сўм турувчи музлатгичлар мусодара қилиниб, корхона бош директори М. Нуруллин ва таъминотчи Г. Шокирниёзовларга жарима солинди.

«Бухоро—1» темир йўл станциясида эса «Сино» акционерлик жамиятининг Армавир шаҳридаги «КамАЗ» минтақалараро автомаркази ва Ярославль шаҳридаги «Феникс» фирмасига 80 тадан, жами 160 та музлатгични (9 миллион 217 минг 920 сўмлик) ноқонуний равишда юбораётгани аниқланиб, харидоргир моллар давлат фойдасига мусодара қилинди. «Сино» акционерлик жамияти президенти Исматулло Қосимовга 10 минг сўм жарима солинди.

* * *

Андижондаги «Булоқбоши» кичик корхонасидаги «барака топгур»лар 1,5 миллион сўмдан ортиқ мева-сабзавот консервасини Иркутскка юбориб улгуришган. Аммо директор А. Ёдгоров ва унинг ўринбосари жаримадан қуруқ қолишмади. Ўйланиб қоласан киши. Бу ерда фақат кичик корхонадагилар айбдор эмас-ку! Ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган молга вагон ажратган темир йўл мутасаддиларини ҳам тунлари виждон азоби қийнармикан?!

* * *

5 февраль куни Тойлоқ тумани «Туркистон» кичик корхонасидаги «ғамхўрлар» 28 тонна олмани Ўрта Чирчиқдаги «Пойдевор» даллоллик (брокерлик) фирмасига элтаяпмиз, деб божхона ходимларининг кўзини шамғалат қилишмоқчи эди. Аммо эплай олишмади. Юкни ўтказиб юбориб, ходимларимиз уларни кузатишди. Охир-оқибат олмани (1 миллион 100 минг сўмлик) Барнаул шаҳрига олиб кетаётганлар тўрга илинишди.

* * *

Кўнгил истаб турса, киши не ишларга қўл урмас экан. Ўзбекистонда яккаю-ягона ҳисобланмиш Термиз дарё порти бошлиғи В. А. Ченчик кўнглининг ҳам кўчаси кўп. Қизиғи шундаки, Киевга кўчиб кетаётган ҳарбий хизматчи О. Гамиловнинг юк контейнеридаги буюмлари кўздан кечирилганида, «УАЗ—452» автомобилининг яп-янги кузови, «Тойота»нинг двигатели, шунингдек 7 тонна ёнилғи яширинча жойланган махсус мослама чиқди.

«Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек давлат мулкини талаш билан шуғулланган бошлиқнинг айби ошкор бўлди. «УАЗ—452»нинг кузовини ўғлига, «Тойота»нинг двигателини хотинига ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотдан 6650 ва 367(!) сўмга расмийлаштириб олган экан.

В. Ченчик кўчиш «операцияси»ни анча олдин бошлаб юборган бўлиб, 23 январь куни хотини Г. Матвеева номига уй-рўзғор жиҳозлари ортилган икки контейнерни жўнатганди. Қолган қутган «майда-чуйда»ларни эса кейинроқ имкон топиб жўнатмоқчи бўлганида божхонадагилар панд беришди. Аттанг. Қолган-қутгани шу бўлса, хотинининг 2 контейнерида нима бор экан?

* * *

6 февраль куни Андижон вилоятидаги «Хонобод» темир йўл станциясида иккита цистернадаги дизель ёнилғиси белгиланган жойига етиб бормади. Юк ҳужжатларида ёнилғи Қўрғонтепа туманидаги «Султонобод» жамоа хўжалигига бориши лозим деб кўрсатилганди. Ёнилғини Муборак олтингугурт заводи ортган. Текширишдан шу нарса маълум бўлдики, ушбу жамоа хўжалиги завод билан ҳеч қандай иқтисодий алоқага эга эмас. Буни юкни кузатиб келаётган завод вакили ҳам тан олди ва ёнилғининг Ўш вилоятидаги «Қашқар-қишлик» станциясига қайта жўнатилиши, бу ҳақда маъмуриятнинг станцияга телеграммаси келишини айтди...

Тегишли рухсатнома бўлмаса қандайдир икки энлик телеграмма билан республикадан ташқарига бемалол юк олиб чиқса бўлаверар эканда?... 90 тонна (5,5 миллион сўмлик) дизель ёнилғиси мусодара қилинди.

* * *

Ҳайдовчи Владимир Кузнецов ҳам ётиб қолгунча отиб қоладиганлар тоифасидан. Унинг оғиз тўлдириб берган ваъдасига ишонган пойтахтдаги «Стальмонтаж» ширкатининг «ҳалол» раиси Владимир (Шибанов) чув тушди.

Ғап шундаки, Владимир ўзининг «МАЗ» 62227» русумлик, давлат белгиси Т 56—71 ТН автоуловида ширкатнинг юкларини божхона текширувидан эсон-омон ўтказиб, манзилга бешикаст етказишни ўз гарданига олади. Иш тескарисига олишини тушида кўрибдими, бечора. Бинойидек кетишаётганди, кутилмаганда улар пайдо бўлиб қолишди-да. Бўлмаса...

Ҳеч қандай ҳужжатларсиз республикадан ташқарига чиқиб кетаётган 5 минг дона тунги чироқларни тушириш пайтида машинада яна 29800 дона ойна тозалагич (автомашиналарники) ҳам чиқиб қолди. Хуллас, олғирлар 2 миллион сўмга яқин молни ўзга юртларга пуллашмоқчи эди. Владимирнинг фаросатсизлиги адашини 15 минг сўм жарима тўлашга мажбур этди. Қонунни ҳурмат қилмаганнинг жазоси шу.

* * *

Кўпчилик автобусни энг «тинч» транспорт тури деб хатога йўл қўймоқда. Тошкент вилоятилик А. Цой ҳам шу фикрда эди-да. «Тошкент — Бишкек» йўналишида қатновчи шаҳарлараро автобусда 2 миллион 79 минг 300 сўмлик молни қўшниларга пуллагани бамайлихотир йўлга тушганди. «Уч қаҳрамон» постида божхона ходимларига рўпара бўлганида, иш чаппасига олди.

* * *

Асли чимкентлик «Москвақурилиш»нинг вакили Ж. Қулдибоев ҳам ичидаги дардини кимга айтсам экан дейди. Жиззахдаги «Ватан» фирмасидан 17 миллион сўмга 2 та «Газ—31028» русумли автомашинани сотиб олганди, божхонадан ўтказишмади. Ажабо, Жиззахда шундай фирма борлиги ва жаҳон бозорида хорижий корхоналар ишлаб чиқарган автомобиллар билан бемалол рақобатлашадиган автомобиль корхонасини шу пайтгача эшитмаган эканмиз?!

* * *

«Ўшқурилиш»дагилар афтидан ишбилармонлик соҳасида «Москвақурилиш»дан ортда қолишни ўзига эп билмаганга ўхшайди. Шу ташкилот қошидаги тижорат маркази директорининг ўринбосари Р. Сулаймонов Москвага 21 тонна (2 миллион 361 минг сўмлик) томатни Ўзбекистондан жўнатмоқчи эди...

* * *

Термизда Афғонистон Ислом Давлати фуқароси Бабрак дипломатга усталик билан яширилган нақд 1,5 миллион сўмни олиб келаётганида тўрга илинди.

* * *

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг бошлиғи Андрей Бузин Тошкент аэропортидан Москвага учаётиб бировнинг илтимосига йўқ дейолмабди. Унга учта ўрамни Москвага олиб кетсангиз дея тутқазишган экан. Ўрамлар орасидан чиққан 28 минг доллар унга тегишли эмас экан?

* * *

Фурсатдан фойдаланиб, кенжа вилоятдаги яна бир ҳуқуқбузарликни сизга айтишни лозим топдик. Учқудуқ туманида «Зил-133» русумли Б 86—63 КЗ (ҳайдовчиси С. Алдашев) ва «Средазгазпром»нинг Қоровулбозор туманидаги 3-автобазасига қарашли «МАЗ—5334» русумли, давлат белгиси 13—50 БХЛ (ҳайдовчи Ж. Хонтушев) бошқараётган автомобиллар тўхтатилганида, шу кунларда кўпчилик бир шишасига зор бўлган 11 тонна 310 килограмм пахта ёғини бегона элларга (Қозоғистонга) элтишаётганди. Ҳайдовчиларнинг гапига қараганда, пахта ёғи Жондор ва Ромитан туманларидан олинган эмиш. Бундан ташқари Ж. Хонтушевнинг машинаси кабинасидан 16-калибрли қўшотар милтиқ ҳам чиқди.

Ушбу ҳодиса бўйича жиноий иш қўзғатилган.

* * *

«Урганч—Тошовуз» автобусида туркманистонлик И. Оразматов салкам 3 кило, «Шаҳрисабз—Тошкент» автобусида самарқандлик И. Пардабоев 2 килограмм 400 грамм, «Уч қаҳрамон» постида Қирғизистон фуқароси ҳеч қаерда ишламайдиган Т. Алиев Қозоғистонга 5 килограмм 300 грамм, аввал судланган ўшлик Р. Тўйчиев 1 килограмм 200 грамм гиёҳвандлик моддасини олиб ўтишга уринганида қўлга тушишди.

* * *

«Марғилон» вокзалида лўли миллатига мансуб новосибирсклик Е. Добрих деган заифанинг юклари орасидан 30 килограмм кўкнори чиқди. Унинг ўзи эса одил суд ҳукмидан қочиб юрибди.

* * *

Самарқандда «Бухоро — Тошкент» автобусида жиззахлик Мавлуда ва Латофат Файзуллаевалар 12 килограмм 200 грамм кўкнорини олиб кетишаётганида қўлга тушишди.

* * *

Сиз юқорида халқ ризқ-насибасини қияётганларнинг баъзи бирлари билан яқиндан танишдингиз. Ҳали қўлга тушмасдан, тутқич бермаётганлар ҳаром луқмадан кекираётганлар ҳам анча. Улар бир кунмас-бир кун ўз қилмишлари учун жавоб бериши муқаррар.

Лекин олғирлар билан курашишда биргина божхона тизимининг қўли калталик қилиб қолмасмикин? Ён атрофимизда жиноятчининг эмин-эркин ишлашига, томошабин бўлиб турсак, «оч қорним, тинч қулоғим» қабилида иш тутсак, ҳеч қачон биримиз икки, бўлармиди, косамиз оқарармиди?!

Халқимиз бозор иқтисодиётининг оғир кунларидан тезроқ чиқиб олиши учун лоқайдликка барҳам бериб, олғирлар билан муросасиз кураш олиб боришимиз керак. Бу давр талаби.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Давлат божхона қўмитаси матбуот маркази ходими.



— ВОЙ АНАВУНИ ҚАРАНГЛАР.

А. МИРЗАЖОНОВ суратэтюди.

Янги китоблар

«Жалолиддин Мангуберди»



Халқимизнинг шундай баҳодирлари борки, улар ҳақида ҳали ҳам мукаммал асарлар битилмаган. Ана шундай саркардалардан бири Жалолиддин Мангубердидир. У ҳақида фақатгина таниқли шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг фожиали драмаси борлигини адабиёт мухлислари яхши билишади. Аммо бу асар учун машҳур шоир тортган азоб-уқубатни ва драма яратилишини кўраолмаган баъзи сафдошларининг сотқинликлари ҳамон барчанинг ёдида.

Таниқли адабиётшунос ва ёзувчи, эски ўзбек ёзуви билимдонларидан бири Ҳабибулла Зайниддиннинг «Жалолиддин Мангуберди» бадиаси ана шу йўналишда яратилган илк жиддий асарлардан бири. Адиб машҳур ва жасур саркарда ҳақида газетамизда ҳам чиқишлар қилган. Лекин китоб ҳолида илк уриниши. Чунки мўғил босқинчиларига қарши ўн йилдан зиёд вақт ичида муттасил кураш олиб борган Хоразмшоҳ Ануштегинлар хонадонининг сўнгги вориси бўлмиш баҳодир Жалолиддин ва унинг мисли кўрилмаган жасурликлари ҳақидаги битмас-туганмас ҳикоядан бу бир томчи холос. У ўзининг жасур сафдоши Темур Малик билан биргаликда мўғил босқинчилари бошига не-не кулфатларни солмаган, дейсиз. Ҳатто ҳеч қачон мағлубият нималигини билмаган мўғил ҳоқони Чингизхон «Қани энди менинг фарзандларим ҳам ана шундай бўлишса... Алар шерни кўрғонда шоқолға ўхшаб думин қисадурлар. Сўнгак талошғон ит киби бир-бирлари бирлан ғажишодур!», деб тан берган.

Адиб ўзининг ихчамгина китобида машҳур саркарда ва унинг сафдошлари ҳақида ҳаққоний ҳикоя қила олган. Чунки биз шу вақтгача ўзимизнинг жасур курашчиларимиз ҳақида бор ҳақиқатни билиш ва ёзиш у ёқда турсин, ҳатто битта оғиз сўз ҳам айта олмай келдик. Энди эса Ўзбекистон мустақил мамлакат бўлиб, оламга машҳур халқимизнинг суюкли ўғлонлари ҳақида бор ҳақиқатни ўқий бошладик. Адибни ана шу томондан олганда ибратли иш қилган деса бўлади.

«Фан» нашриёти яқинда чоп этган бу китоб 5 минг нусхада бўлса ҳам китобхонлар учун муносиб совғадир. Ўйлаймизки, таниқли ёзувчиларимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳали ўқимишли тарихий асарларни кўплаб битадилар.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА,
А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*),
Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ,
З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан
ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52;
иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81;
ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48;
қабулхона — 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг
сешанба, пайшанба,
шанба кунлари
чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга
қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 56
Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 21.30 да